2014 йил – «Соғлом бола йили»

# Huquq

Mustaqillik huquq demakdir

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASINING NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan www.huquq-gazeta.uz 2013-yil 12-dekabr, №50 (883)



## Изчил ишлар давом этади

***Жорий йилнинг 6 декабрь куни "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройида Республикамиз Конституцияси қабул қилинган куннинг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Унда давлат ва жамоат арбоблари, фан, маданият ва санъат намояндалари, пойтахт жамоатчилиги, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатларнинг элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари иштирок этди. Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов маъруза қилди.***

Давлатимиз раҳбари ўз маърузасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мамлакатимизда демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, Ватанимиз тараққиёти ва турмушимиз фаровонлигини юксалтиришнинг ҳуқуқий кафолати бўлиб келаётганини таъкидлади.

Ҳар йили ушбу тарихий сана байрам қилинар экан, халқимизнинг эзгу интилишларини ифода этадиган, жамиятимиз ривожига хизмат қиладиган энг устувор йўналишлар белгилаб олинади ва келгуси йилга шунга мувофиқ ном берилади.

Ўтиб бораётган 2013 йил — «Обод турмуш йили»да халқимизнинг ҳаёт сифати ва даражасини юксалтириш, маиший шароитларини янада яхшилаш, янги уй-жойлар ва инфратузилма объектларини қуриш, маҳаллаларни обод этиш, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш борасида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини янада юксалтириш, орзу-интилишларини қўллаб-қувватлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилди.

Ватанимизни ҳар томонлама обод қилиш, халқимиз янада тинч ва фаровон яшайдиган ҳаёт барпо этиш йўлидаги бундай ишларни изчил давом эттириш мақсадида кириб келаётган янги — 2014 йил мамлакатимизда «Соғлом бола йили» деб эълон қилинди.

**Ўз мухбиримиз**

## Халқимизнинг ифтихор тимсоли

***Ўзбекистон Республикаси истиқлолга эришгандан сўнг халқимизнинг азалий орзу-истаклари, эзгу интилишлари рўёби юртимизнинг давлат рамзларида ўзининг ёрқин ифодасини топди.***

Давлат рамзларини ҳурмат қилиш ҳар биримизнинг фуқаролик ва фарзандлик бурчимиздир. Зеро, Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, миллий тимсоллар ва рамзларнинг ҳар бири миллий ғууримизни юксалтиришга хизмат қилади, уларнинг ҳар бири катта бир дарслик, кучли тарбия воситасидир.

Мамлакатимиз суверенитетининг рамзларидан бири бўлган Давлат мадҳияси Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 10 декабрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ тасдиқланган.

Тошкент юридик коллежида 10 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси қабул қилинган кун муносабати билан ташкил этилган "Давлатимиз рамзлари — халқимиз ифтихори" мавзусида анжуман бўлиб ўтди.

Юртимиз истиқболи, халқимиз ақл-заковати, аждодларимиз шон-шуҳрати ва муносиб ворислари келажагини шарафловчи бу муқаддас қўшиқ жамиятда юксак маънавий фазилатларни камол топтиришда муҳим омил бўлаётир. У юртдошларимиз, айниқса, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, келажакка ишонч руҳида тарбиялашга хизмат қилиб, буюк бунёдкорлик ишларида халқимизга маънавий куч бағишлаб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ҳуқуқшунос олимлар иштирок этган тадбирда давлатимиз мадҳиясининг яратилиш тарихи, ижро этиш тартиб-қоидалари ҳамда аҳамияти хусусида ўқувчи-ёшларга батафсил маълумот берилди.

**Ўз мухбиримиз**

*Бош прокуратурада*

***2013 йил 29 ноябрь куни Бош прокуратурада республика ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг мувофиқлаштирувчи Кенгаши йиғилиши бўлиб ўтди.***

## Мувофиқлаштирувчи Кенгаш йиғилиши

**Сарвар БОЗОРОВ,**
Бош прокуратура бошқарма катта прокурори

Унда дастлабки тергов жараёнида жиноят ишларини бирлаштириш, ажратиш, ҳудудийлиги ва терговга тааллуқлилиги бўйича юбориш, тергов муддатларини ҳисоблашда қонун талабларига риоя қилиниши, дастлабки тергов ва суриштирув органлари томонидан жиноятлар ҳақидаги ариза ва хабарлар кўриб чиқилишининг қонунийлиги ҳамда Ўзбекистон Республикасининг "Терроризмга қарши кураш тўғрисида"ги ва "Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши кураш тўғрисида"ги Қонунлари ижроси аҳволи муҳокама қилинди.

Йиғилишда жиноят ишларини бирлаштириш, ажратиш, улар бўйича тергов муддатларини ҳисоблаш, тергов қилиш, бу борада фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилинишини таъминлаш аҳволи таҳлил қилиниб, соҳада йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш хусусида кўрсатмалар берилди.

Шунингдек, жиноят ҳақидаги ариза ва хабарларни ҳал этишда жиноят-процессуал қонунчилиги талабларига риоя этилишини таъминлаш борасида йўл қўйилган камчиликлар, айниқса, жиноятни ҳисобдан яширишдек жиддий қонунбузилиши ҳолатларига барҳам берилмаётганлиги кескин танқид остига олинди.

Бундай салбий ҳолатларнинг вужудга келиш сабаб ва шарт-шароитларига алоҳида эътибор берилиб, уларнинг олдини олишга қаратилган қатъий чоралар кўрилиши лозимлиги таъкидланди.

Шу билан бирга, "Терроризмга қарши кураш тўғрисида"ги ва "Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши кураш тўғрисида"ги Қонунлар талабларидан келиб чиққан ҳолда, диний экстремизм, терроризм, шунингдек, терроризмни молиялаштириш ва давлатнинг конституциявий тузумига тажовуз қилиш билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш, бундай жиноятлар юзасидан олиб борилаётган тергов ва тезкор-қидирув ишлари аҳволини янада яхшилаш, бу борадаги прокурор ва идоравий назоратнинг таъсирчанлиги ва самарадорлигини ошириб бориш лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан прокуратура, ички ишлар ва божхона органларининг мазкур соҳалар учун масъул раҳбарларининг ахборотлари тингланди.

Мувофиқлаштирувчи Кенгаш томонидан мавжуд камчиликларни бартараф этиш ва ушбу соҳаларда фаолият самарадорлигини оширишга қаратилган қарорлар қабул қилиниб, ижросини таъминлаш учун тегишли органларга юборилди.

**Обуна — 2014**

**2014 йилда ҳам "HUQUQ" газетаси Сизнинг энг яқин ҳамкорингиз бўлиб қолади. Газетамизга «Матбуот тарқатувчи» АК ва барча почта алоқаси бўлимларида обуна бўлишингиз мумкин.**



НАШР ИНДЕКСИ – 231

# Дўкондорни тунаган «текширувчи»

*Суднинг қора курсисида ўтирган навқирон йигитнинг кўплар орзу қиладиган иши, оиласи ва 2 нафар фарзанди бор эди. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органда туппа-тузук ишлаб юрган йигит негадир нафсининг йўриғига юрди-ю, охир-оқибат элу юрт, қариндош-уруғларининг олдида юзи шувут бўлди.*

Биз юқорида таърифини келтирган Шомурод Туропов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) 1982 йилда таваллуд топган бўлиб, 2003 йили юртимизнинг нуфузли олий даргоҳини тамомлаган ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органда ўз фаолиятини бошлаган эди. Шундай бўлгач, у ўз ваколатидан фойдаланиб, тамагирлик йўли билан пора талаб қилиш қандай жазога гирифтор қилишини жуда яхши биларди. Бироқ нафс дегани унинг ақлини "эгиб", ўз йўриғига бошлади.

Шомурод 2011 йилнинг 6 август куни "Авиасозлар деҳқон бозори"га кириб, бироз бозорда айланиб юрди. Шу баҳонада кийим-кечаклар савдоси билан шуғулланадиган дўконга кирди. Аввалига дўкондаги буюмларга назар солган бўлиб, сўнг сотувчига юзланди.

— Мен хавфсизлик хизматиданман, дўконингизда текширув ўтказишим керак. Бошлиғингизни чақиринг менга!

Сотувчи ҳам бўш келмади.

— Яхши, бошлиғимни чақиртираман. Сиз ҳам ҳужжатингизни кўрсатсангиз...

Ш.Туропов сотувчида шубҳа уйғотмаслик учун ўзининг ИИВ томонидан берилган гувоҳномасини кўрсатди. Шундан сўнг сотувчи дарҳол МЧЖ раҳбарига қўнғироқ қилиб, тезда етиб келишни сўради. Дўкон эгаси кўп куттирмади.

Шомурод унга мазкур дўконда текширув ўтказишга рухсат берилганлигини маълум қилиб, тегишли ҳужжатларни талаб қилди. МЧЖ раҳбари айтилганларни "текширувчи"га тақдим этди. Ш.Туропов ҳужжатларга кўз югуртирар экан, норози қиёфада бошини сарак-сарак чайқади:

— Ишлар чатоқ, ака. Дўконингиздаги кийим-кечакларни давлат фойдасига мусодара қилишимизга тўғри келади.

Бундай вазиятга биринчи бор дуч келаётган тадбиркор "текширувчи"нинг гапларидан саросимага тушиб қолди. Бундан фойдаланган Шомурод "ёрдам" бериши мумкинлигини айтди ва бу "ҳожатбарорлик"нинг нархини 1 минг 500 АҚШ долларига баҳолади. Шу билан енгил нафас оламан, деб ўйлаган дўкон эгасининг хотиржамлиги бор-йўғи бир ойга чўзилди.

Сентябрь ойининг бошларида "текширувчи" яна дўконда пайдо бўлди. Бу сафар у мазкур дўконда кейинчалик назорат органлари томонидан текшириш ўтказилишининг олдини олиш, яъни "раҳнамо"лик қилиб туриш эвазига 2 минг АҚШ доллари талаб қилди. Нолож қолган тадбиркор унинг талабини қондиришга рози бўлди. 2011 йилнинг 14 сентябрь куни Ш.Туропов ўз "улуши"ни олиш мақсадида дўконга келганида жиноят устида қўлга олинди.

Жиноят ишлари бўйича Ҳамза туман суди мазкур ишни кўриб чиқиб, судланувчи Ш.Туроповга нисбатан тегишли жазо тайинлади. Баднафслик ортидан яхши иш ўрнини йўқотиб, ота-онаси, оиласи, фарзандларини уятга қўйган Шомурод энди саккиз йилдан ортиқ умрини панжара ортида ўтказишга мажбур.

**Мирзо ҲАМДАМОВ,**
Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим прокурори

*Мамлакатимизда қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш мақсадида Юртбошимиз раҳнамолигида суд-ҳуқуқ тизимини босқичма-босқич демократлаштириш, ҳуқуқий давлатни шакллантириш бўйича узоқ муддатли ва изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда.*

# Беназир сабоқлар

**Гули ҲОЖИБОЕВА,**
«Нидиқ»

Жорий йилнинг 6 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курсларида "Конституция ва қонунлар устуворлиги — тараққиёт кафолати" мавзусида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокуратураларининг бўлим прокурорлари ҳамда прокурор ёрдамчилари ва прокуратура терговчилари билан прокуратура соҳасида бир неча йиллар давомида самарали меҳнат қилиб, ҳозирда қарилик гаштини суриб келаётган фахрийлар иштирокида учрашув бўлиб ўтди.

Учрашувни Республика Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари кафедра бошлиғи, юридик фанлари доктори Фахри Раҳимов очгандан сўнг, фахрийлар Рустамбек Ҳакимов ҳамда Олим Муҳаммедовлар маъруза қилишди.

Шунингдек, 10 декабрь куни ҳам Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курсларида "Фуқароларнинг мурожаатларини самарали ҳал этиш — инсон ҳуқуқларини таъминлаш кафолати" мавзусида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокуратураларининг бўлим прокурорлари ҳамда прокурор ёрдамчилари ва прокуратура терговчилари билан прокуратура соҳасида бир неча йиллар давомида самарали меҳнат қилган фахрийлар иштирокида учрашув бўлиб ўтди.

Мазкур учрашувни эса Республика Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари кафедра бошлиғи, юридик фанлари доктори Бахтиёр Пўлатов очди. Шундан сўнг, тадбирда қатнашган фахрийлар Ортиқбой Қосимов ва Мирзаанвар Мирзаевлар ҳам маъруза қилишди.

Тадбирларга ташриф буюрган фахрийлар ўз иш тажрибалари ҳақида тингловчилар билан ўртоқлашар экан, энг аввало, қонун талаб этадиган барча вазифаларни сидқидилдан ва адолат тамойилларига таянган ҳолда бажариш шу касб эгасининг бурчи эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтишди. Шу жумладан, маърузачилар прокуратура органлари зиммасига алоҳида масъулиятли вазифалар юкланаётганлиги ҳамда прокуратура ходимлари томонидан мамлакатда қонунийликни таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашиш ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар давлатимиз раҳбари томонидан юқори баҳоланганини эътироф этишди.

Тадбир маърузаларида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳар соҳада илғор, янгиликка интилувчан, яратувчанлик, бунёдкорлик руҳи-иштиёқи билан яшаш, меҳнат қилишни тақозо этаётганлиги ҳам қайд этилди.

Ҳар иккала тадбирда ҳам Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик Маркази раиси Ботир Калонов сўзга чиқиб, Марказнинг ташкил этилиши, фаолияти, мақсад ва вазифалари тўғрисида батафсил маълумот берди. Шунингдек, Республика Бош прокуратураси тизимида қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, ёш кадрларни касбга садоқат руҳида тарбиялаш борасида ўз куч-ғайратини сарфлаб, билими ва бой ҳаётий тажрибасини ўргатиб келаётган фахрийларнинг тенгсиз насиҳатлари ҳамма вақт асқотишини алоҳида таъкидлаб, нафақага чиққан фахрийларга зарур моддий, маънавий ва тиббий ёрдамлар кўрсатиб келинаётганлиги тўғрисида ҳам тўхталиб ўтди.

# Муҳим вазифалардан бири

**Умид АБЛАҚУЛОВ,**
Сурхондарё вилоят прокуратураси бўлим прокурори

*Бугун жамият ҳаётининг барча жабҳасида олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотлар аҳолининг турмуш фаровонлигини юксалтириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган. Ана шу мақсадлардан келиб чиққан ҳолда, Сурхондарё вилоят прокуратураси органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 мартдаги "Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"-ги Қарори ижроси бўйича ҳududдаги барча ташкилот ва муассасаларда назорат тадбирлари ўтказилиб келинмоқда.*

Марказий банк Сурхондарё вилоят бош бошқармаси маълумотларига кўра, вилоятда 2013 йилнинг октябрь ойи учун бюджет ташкилотлари бўйича иш ҳақи, пенсия ва нафақа тўловлари талаби 107 млрд. 160 млн. сўмни ташкил этиб, жорий йилнинг ноябрь ҳолатида пенсия тўлови учун 54 млрд. 460 млн. сўм, бюджет тўлови учун 43 млрд. 200 млн. сўм, нафақа тўловлари учун 9 млрд. 500 млн. сўм тўловлар амалга оширилиб, белгиланган режа тўлалигича бажарилган.

Мазкур рақамларни ташкилотлар мисолида кўрадиган бўлсак, жорий йилнинг октябрь ойи учун ҳисобланган иш ҳақидан соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги муассасаларнинг ходимларига 9 млрд. 243 млн. сўм, халқ таълими вазирлиги муассасаларининг ходимларига 18 млрд. 112 млн. сўм, олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги муассасаларининг ходимларига 7 млрд. 984 млн. сўм, маданият ва спорт ишлари вазирлиги муассасалари ва бошқа бюджет ташкилотлари ходимларига 7 млрд. 861 млн. сўм меҳнат ҳақлари тўланди.

Бундан ташқари, "Ўзагромашсервис" тизимидаги корхоналарнинг ходимларига 6 млн. сўм, "Ўзбекэнерго" тизимидаги корхоналарнинг ходимларига 1 млрд. 649 млн. сўм, "Ўзнефтьгаз" вазирлиги тизимидаги корхоналарнинг ходимларига 1 млрд. 416 млн. сўм, "Ўзпахтасаноат" тизимидаги корхоналарнинг ходимларига 1 млрд. 947 млн. сўм, "Ўзкимёсаноат" тизимидаги корхоналарнинг ходимларига 514 млн. сўм, "Ўздонмаҳсулот" тизимидаги корхоналарнинг ходимларига 551 млн. сўм, хусусий ва бошқа корхоналарнинг ишчи ва хизматчиларига 18 млрд. 802 млн. сўм иш ҳақлари тўлаб берилди.

Шунга қарамасдан, бу борада прокуратура органлари томонидан ўтказилган текширишларда, айрим корхоналарнинг раҳбар ва масъул ходимлари ўзларига юклатилган вазифаларга совуққонлик билан қараши оқибатида биринчи даражали тўловлар учун ажратилган маблағларни муддатида тўлаш чораларини кўрмаслик ҳолатлари аниқланди. Мисол учун, Қумқўрғон туман прокуратураси томонидан фуқаро Н.Тагаеванинг "Қумқўрғонтумангаз" филиали томонидан 263 минг 661 сўм иш ҳақи пуллари тўлаб берилмаётганлиги ҳақидаги аризаси ўрганилди ва унинг иш ҳақлари тўлиқ ундириб берилди. Ҳолат юзасидан филиал раҳбари А.Жумаевга нисбатан МЖтКнинг 49-моддаси 1-қисми билан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилди.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан жорий йилнинг ўтган даврида ушбу йўналишда ўтказилган текшириш ва таҳлиллар натижасига кўра, 5 та тақдимнома киритилиб, 70 нафар шахс маъмурий ва 11 нафар шахс интизомий жавобгарликка тортилди. Судларга 353 млн. 943 минг сўмни ундириш ҳақида 472 та аризалар киритилиб, 76 нафар шахснинг ҳуқуқлари тикланди. Жиддий қонунбузилиши ҳолатлари юзасида 18 та жиноят иши қўзғатилди ва 187 нафар шахснинг ҳуқуқлари тикланишига эришилди.

# Семинарда ёш мутахассислар

**Акбар БОБОЕВ,**
Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг катта ёрдамчиси

Асосий Қонунимиз қабул қилинганлигининг йигирма бир йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси органларида хизмат қилаётган ёш мутахассислар билан "Конституция ва қонунлар — жамият ва шахс манфаатлари ҳимоясида" мавзуида семинар ўтказилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг масъул ходимлари, Ҳ.Сулаймонова номидаги Республика суд-экспертиза Маркази экспертлари, Ички ишлар ва Мудофаа вазирлиги тизимидаги ҳарбий қисм ва муассасаларнинг мутахассислари иштирок этдилар.

Семинарда сўзга чиққанлар мустақил юртимизда жамиятни ривожлантириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш, шунингдек, инсон ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш борасида кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилаётгани, ўтган давр мобайнида Ўзбекистонда демократик жамиятни барпо этишнинг ўзига хос модели яратилгани, унинг ҳуқуқий асоси бўлиб Ўзбекистон Республикаси Конституцияси хизмат қилаётганини таъкидладилар. Шунингдек, йиғилиш қатнашчиларига мутахассислар томонидан Конституция олий даражадаги қонун сифатида давлатимизнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий тузумини, бошқарувнинг демократик принципларини, жамият ривожланишининг стратегик йўналишларини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини, маънавий қадриятларимиз асосларини мустаҳкамлашдаги ўрни ва бу борада қабул қилинган қонунлар хусусида тўлиқ маълумот берилди.

Амалий семинарда мутахассислар муҳокама этилаётган масалалар юзасидан ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Тадбирда қатнашган ёш мутахассислар ўзларини қизиқтирган саволларга маърузачилар томонидан тўлақонли жавоблар олишди.

# Хавфли хасталикнинг хатарлари

***Эътибор берсангиз, барча касалликларнинг хавф ҳамда хатари бор. Лекин улар орасида шундайлари ҳам мавжудки, бу хасталикларни даволашнинг иложи йўқ. Энг ташвишланарлиси, уларнинг айримлари ўта юқумлидир. Минг таассуф билан таъкидлаш жоизки, бедаво дардлардан бири орттирилган иммунитет вируси (ОИВ,ОИТС) оқибатида келиб чиқади.***

**Ҳусниддин ҲАКИМОВ,**
Наманган вилоят прокуратураси бўлим прокурори

Маълумотларга қараганда, ОИВ касаллиги айни кунда бутун дунё бўйича янада долзарб муаммога айланди. Чунки, ўта хавфли эпидемиянинг тарқалиш ҳудуди тобора кенгайиб, ҳар йили миллионлаб одамларни ўз домига тортмоқда. Ўз навбатида, шу билан боғлиқ рақамлар ҳар бир онгли инсонни ташвишга солиши табиий ҳол. Яъни 2004 йилда дунё бўйича 4,9 млн. киши ОИВ касаллигига чалинганлиги қайд этилган бўлса, 2008 йилга келиб бу кўрсаткич 33,2 млн., жорий йилда эса қарийб 45 млн. нафарга етган. Мана шу офат оқибатида қарийб 50 млн. одам ҳаётдан кўз юмганлиги халқаро ташкилотлар маълумотларида таъкидланган.

ОИВ хасталиги, аввало, аҳолининг соғлом, бехавотир ҳаёт кечиришига жиддий хавф туғдиради. Қолаверса, меҳнатга қобилиятли кишиларнинг маълум қисмини зарарлаши, бу касалликка чалинганларни ижтимоий ҳимоя қилишга кетадиган сарф-харажатларнинг катталиги жуда кўп миқдорда иқтисодий зарар ҳам келтиради. Буларнинг бари ҳар қандай давлатдаги ижтимоий-иқтисодий барқарорликка жиддий зиён етказиши мумкин.

Шу боис, кўплаб мамлакатларда ОИВга қарши курашиш масаласига катта эътибор қаратилмоқда. Бу ишга нафақат тиббиёт ходимлари ва бошқа мутахассислар, балки кенг жамоатчилик жалб этилмоқда. Жумладан, республикамизда ҳам мазкур касалликнинг олдини олиш борасида тизимли ишлар олиб борилаяпти. Ушбу соҳага доир вазифалар Ўзбекистон Республикасининг "Одамнинг иммунитет танқислиги вируси билан касалланишининг (ОИВ касаллигининг) олдини олиш тўғрисида"ги Қонунида белгилаб қўйилган.

Ана шу муҳим ҳужжат асосида хавфли хасталикнинг мамлакатимиз ҳудудида тарқалишига йўл қўймаслик, у билан боғлиқ салбий ҳолатларнинг олдини олиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

ОИВга қарши кураш борасида ягона тизимни шакллантириш, аҳолини ушбу инфекциядан ишончли ҳимоя қилиш ва унинг зарурий профилактикасини таъминлаш бўйича чора-тадбирларнинг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш, ОИВ марказларининг моддий-техник базасини кучайтириш, соҳада фаолият кўрсатаётган тиббиёт ходимларини моддий қўллаб-қувватлаш йўлида 2008 йилда 26 декабрь куни яна бир муҳим қадам қўйилди. Яъни шу санада Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши кураш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди. Ушбу ҳужжатда хатарли хасталикнинг олдини олиш борасидаги вазифалар ижросига янги босқич вужудга келди. Шунингдек, 2009 йил 5 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "ОИТСга қарши кураш марказларининг ташкилий тузилмасини ва фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори қабул қилиниб, унга асосан 2009-2011 йилларда Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекцияси тарқалиши профилактикаси бўйича саъй-ҳаракатлар Миллий режаси ҳам тасдиқланган.

Бу борадаги қонунчилик мунтазам такомиллаштириб борилмоқда. Хусусан, 2013 йил 23 сентябрда "Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди.

Яқинда Наманган вилоят прокуратурасининг ташаббуси билан мазкур қонуннинг мазмун-моҳияти ва ундан келиб чиқадиган вазифалар муҳокамасига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Унда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси тизимидаги муассасалар раҳбарлари, ушбу касалликка қарши курашишга масъул идоралар вакиллари ҳамда соҳага дахлдор ташкилотлар мутасаддилари иштирок этдилар.

Йиғилишда сўзга чиққанлар юртимизда, хусусан, вилоятда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, юқумли касалликлар бўйича санитария-эпидемиологик муҳитнинг барқарорлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар ва уларнинг самарасига атрофлича тўхталиб ўтишди. Шунингдек, "Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонунда ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш соҳасидаги давлатимиз сиёсатининг асосий йўналишлари, бу борадаги фаолиятни мувофиқлаштирадиган давлат ва жамоат органларининг ваколатлари, фаолият йўналишлари, ОИВга тиббий текширувлардан ўтказиш тартиблари, уни юқтирган беморларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларга тиббий ёрдам кўрсатиш, ижтимоий ҳимоялаш йўналишларининг аниқ белгилаб қўйилганига эътибор қаратилди.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан бу борадаги қонунчилик ижроси юзасидан мунтазам текширишлар ўтказиб келинмоқда. Уларда аниқланишича, бу соҳада баъзи камчиликлар ва нуқсонлар, қонунбузилишларга йўл қўйилган. Семинарда уларни бартараф этиш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар таҳлилий тарзда келтирилди. Аҳоли саломатлигини сақлаш, соғлом турмуш тарзига эришиш борасида мутасаддилардан эътиборсизлик ва қонунбузилишларга йўл қўймаслик қатъий талаб қилинди.

Эътироф этиш керакки, республикамизда бу хасталикка чалинганлар бошқа давлатларга қараганда анча кам. Лекин бу билан хотиржамликка берилиш яхшиликка олиб келмаслиги маълум. Чунки, улар қанча бўлса ҳам, борлигининг ўзи ташвишли. Бунинг устига, юқумли эканлиги барчани баробар хушёр торттирмоғи керак. Қолаверса, юртимизда инсон ҳаёти, саломатлиги қонун ҳимоясига олинган. Хатарли хасталикка қарши курашишнинг энг оқилона омили ундан онгли равишда сақланмоқликдир.

***Ҳар қандай мамлакат ва жамиятнинг эртанги кунини юксак маънавиятли, билимли ва албатта, самарали меҳнат қилишга қодир фуқаролар белгилайди. Шу маънода, истиқлолнинг илк кунларидан ёшларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш, ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири этиб белгиланди.***

# Ёшлар бандлиги – муҳим масала

**Файзулла ЭГАМҚУЛОВ,**
Самарқанд вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси вазифасини бажарувчи

Юртбошимиз раҳнамолигида юртимизда ёшларнинг ўз иқтидори ва салоҳиятини тўлиқ намоён этиши учун улкан имкониятлар яратилди, десак муболаға бўлмайди. Мамлакатимизда таълим тизимини изчиллик билан ислоҳ қилиш ва бу соҳадаги давлат сиёсатини мустаҳкамлаш борасида "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида"ги ва "Таълим тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари тарихий қадам бўлди. Мазкур қонуннинг 3-моддасида таълим соҳасида давлат сиёсатининг асосий принциплари, хусусан, таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги, шунингдек, умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг мажбурийлиги белгиланди.

Бу йил Самарқанд вилоятидаги 1232 та умумтаълим мактабларининг 9-синфини 61 минг 646 нафар ёшлар битиришди. Уларнинг 60 мингдан зиёди вилоятдаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига жалб этилди. 548 нафари эса дин ишлари бўйича қўмитага қарашли таълим муассасаларида таълим олмоқда.

Жорий йилнинг "Обод турмуш йили" дея эълон қилиниши ва унга мос ҳолда Давлат дастурининг қабул қилиниши ҳам муҳим аҳамият касб этди. Дастурда вояга етмаганлар масаласи энг долзарб вазифа сифатида кўрсатилиб, бажарилиши лозим ишлар кўлами белгилаб берилди. Барча жойларда бўлгани каби Самарқанд вилоятида ҳам мазкур Давлат дастурининг моҳиятини ёшлар онгига сингдириш, касб-ҳунар коллежи битирувчиларини ишга жойлаштириш, қизларни эрта турмушга беришнинг олдини олиш борасида мунтазам равишда назорат ва тарғибот тадбирлари ўтказиб келинмоқда. Жумладан, вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида жорий йилнинг ўтган даврида "Мустақиллик бунёдкорларимиз" шиори остида "Энг яхши мутахассис" ва "Энг яхши бизнес лойиҳа" танловлари, касб тўгараклари кўриклари ўтказилди. Ёшларнинг нафақат вақтларини мазмунли ва самарали ўтишини таъминлаш, балки уларнинг бандлиги масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Олиб борилаётган ижобий ишларнинг давоми сифатида яқинда вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияси, вилоят прокуратураси ташаббуси билан меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси ҳамкорлигида вилоятнинг Самарқанд шаҳар, Ургут, Тайлоқ, Жомбой, Самарқанд ва Пастдарғом туманларидаги касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бандлигини таъминлашга кўмаклашиш мақсадида "Бўш иш ўринлари ярмаркаси" ўтказилди.

Меҳнат ярмаркасига вилоятнинг шаҳар ва туманларидаги 204 та корхона, ташкилот ва муассасалар жалб қилиниб, улар 1461 тадан ортиқ бўш иш ўринлари билан қатнашдилар. Тадбирда 2,5 минг нафарга яқин коллеж битирувчилари иштирок этишди. Шунингдек, ярмаркада олий ўқув юртларини тугатган ёшлар ҳам ўзларига муносиб иш ўринларини танлаш имкониятига эга бўлишди.

Бу каби тадбирлар ёшларнинг бандлигини таъминлашда, шунингдек, улар орасида ижтимоий муҳитга ҳам ижобий таъсир ўтказади. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида вилоятда вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг 12 фоизга камайишига эришилди.

# Ҳуқуқий ҳимоя тарғиботи

**Дилшод ТОШТЕМИРОВ,**
СВОЖЖДЛҚК департаментининг Қашқадарё вилоят бошқармаси матбуот гуруҳи катта инспектори

Бугун мамлакат бўйлаб босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотлар ва модернизация жараёнида фуқароларимизнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини билишга интилишлари кучайиб бормоқда. Масалан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташкил этиш ёки мавжудларини янги технологиялар асосида кенгайтириш учун нима қилиш керак? Тадбиркорларга қандай енгилликлар берилаяпти? Бу тўғрида қандай қонун ва кўрсатмалар борлигини билмаган тадбиркор ишни тўғри ташкиллаштира олмайди. Шуни назарда тутиб, фуқароларимизнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, хусусан, молиявий-иқтисодий фаолият соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва амалдаги қонунларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаментининг Қашқадарё вилоят бошқармаси томонидан назарий ва амалий тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан 2011 йил 6 апрелда тасдиқланган дастур асосида департамент зиммасига юклатилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда, профилактика-тарғибот ишларини кучайтириш, кадрларни танлаш, тайинлаш ва тарбиялаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар амалга оширилаяпти. Дастурнинг ижросини таъминлаш мақсадида бошқарма ходимларининг амалдаги қонун ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни мунтазам ўрганиб боришларига эътибор кучайтирилмоқда. Жумладан, тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, улар фаолиятидаги сунъий тўсиқлар ва суиистеъмолчилик ҳолатларига бархам бериш борасида бошқарма ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан радио орқали 14 маротаба, вилоят матбуотида 7 маротаба, туман ва шаҳар матбуотлари орқали 3 маротаба ҳамда вилоят телевидениесида 7 маротаба чиқишлар қилинди. Тарғибот-ташвиқот ишларини бундай ташкил этиш ҳам ўз самарасини бермоқда.

Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларни қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига тўсқинлик қиладиган ҳар қандай номутаносибликлар ва тўсиқларни бартараф этиш департамент органларининг асосий вазифаларидан бири эканлиги тўғрисида доимий равишда тушунтириш ишлари олиб борилаяпти. Бошқарма бўлим бошлиқлари ва ходимлари ҳамда ҳудудий бўлимлар билан биргаликда, маҳалла фуқаролар йиғинларида ташкил этилаётган йиғилишлар кўпгина масалаларни жойида ҳал этиш имконини бераяпти, бу тадбиркорларимизга катта қулайликлар яратмоқда.

Эришилган натижалар яққол кўзга ташланиб турибди. Хусусан, Касби туманидаги Муғлон, Қоратепа, Юксалиш маҳалла фуқаролар йиғинлари, Қарши шаҳридаги Махсумобод, Шайхали, Деҳқонобод туманидаги "Деҳқонобод шаҳарчаси", Мирзо Турсунзода номли ҳамда Ғузор, Косон, Қамаши, Миришкор туманларидаги кўплаб маҳаллалар фуқаролар йиғинларида аҳоли ўртасида олиб борилган кенг тарғибот ишлари тадбиркорлар сафининг кенгайиши, янги иш ўринларининг бирмунча кўпайиши, маҳсулот ишлаб чиқариш миқёсларининг ошишига имкон берди.

Қайси ишга қўл урмайлик, унинг ортида Ватан ва халқ манфаати ётади. Мамлакатимиз бўйлаб давом этаётган ислоҳотлар ва модернизациялаш жараёнларида кўзда тутилган асосий мақсад ҳам ана шу улуғвор ғояларга қаратилгандир. Департаментимиз ходимлари буни юракдан ҳис этиб, меҳнат қилмоқдалар.

# Прокурор назорати таъминланмоқда

*Қишлоқ хўжалиги мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини белгиловчи асосий тармоқлардан бири саналади. Шу боис ҳам, истиқлолнинг илк йиллариданоқ соҳани ривожлантиришга, янги техника ва технологияларни жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Амалга оширилаётган тизимли ислоҳотлар эндиликда кутилган натижаларни бермоқда. Албатта, бунда мамлакатимизда қишлоқ хўжалигига оид қонунчилик базасининг яратилгани ва улар ижросининг таъминланаётгани асосий омил бўлмоқда.*

**Суҳроб НАЗАРОВ,**
Хоразм вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

Мустақиллик берган имконият туфайли хусусий мулк эгасига айланган фермерлар ҳосилдорликни ошириш, хўжалик иқтисодини кўтариш, қўшимча тармоқлар ривожини таъминлаш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш борасида тинимсиз изланишмоқда. Азалдан уста деҳқонлар юрти сифатида эъзозланиб келинаётган Хоразм вилоятида ҳам соҳада мулк шакли ўзгариб, экин майдонлари тўлиқ фермерлар ихтиёрига берилгани ютуқлар гарови бўлмоқда. Қишлоқ мулкдорларининг саъй-ҳаракатлари билан улкан хирмонлар уюлиб, юртимиз обод бўлаяпти, қишлоқ инфратузилмаси тобора яхшиланмоқда.

Хоразм вилоят прокуратураси органлари томонидан Президентимизнинг "Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижроси юзасидан доимий назорат тадбирлари амалга оширилмоқда.

Бу йил хоразмлик 2195 та фермер хўжаликлари томонидан пахта хомашёси йиғиштириб олиниб, давлатга етказиб берилди. Бунда Республика Президентининг 2013 йил 2 сентябрдаги "2013 йил ҳосили пахта хомашёсини ўз вақтида ва сифатли йиғиб-териб олишни таъминлашга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори муҳим аҳамият касб этди. Қарор ижроси прокуратура органлари томонидан назорат қилиниб, аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф қилиш чоралари кўрилди. Шунингдек, ердан мақсадли фойдаланиш, суғориладиган экин майдонларининг муомаладан чиқарилишига йўл қўймаслик, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш бўйича қабул қилинган шартнома мажбуриятларига риоя этилиши устидан доимий прокурорлик назорати ўрнатилган.

Ер — бойлигимиз. Уни асраб-авайлаш ҳамда ундан самарали фойдаланиш ҳар биримизнинг бурчимиз ҳисобланади. Афсуски, айрим мансабдорлар ердан фойдаланишда ўз манфаатларини кўзлаб, қонунбузилиши ҳолатларига йўл қўйишмоқда. Жумладан, Ҳазорасп тумани "Пичоқчи" қишлоғи ҳудудида пахта-ғаллачилик йўналишида фаолият кўрсатаётган "Аҳмед Нурметов" ва "Ботир пайком ва ўғиллари" фермер хўжаликлари раҳбарлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 40-моддаси, "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Қонуннинг 17-моддаси талаблари бузилган. Яъни тегишли ташкилотларнинг рухсатисиз фермер хўжалиги ер майдонларининг тупроқларини қазиб олиб, ердан хўжасизларча фойдаланиб, ҳосилдорлик пасайишига олиб келадиган ҳаракатлар содир қилинган. Уларга нисбатан тегишли тартибда маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилди.

Вилоят прокуратураси идоралари томонидан мазкур соҳада ўтказилган назорат тадбирларида аниқланган қонунбузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф қилиш юзасидан маҳаллий ҳокимият ва тегишли ташкилотларга 6 та тақдимнома киритилди. Масъул ва мансабдор шахсларнинг 38 нафари қонунбузилишига йўл қўймаслик хусусида огоҳлантирилди. Прокурор тақдимномаси асосида масъул ва мансабдор шахсларнинг 36 нафари интизомий, 25 нафари маъмурий жавобгарликка тортилди.

Қишлоқ хўжалигида ерни сифатли шудгорлашдан тортиб, экинни агротехника тадбирлари асосида парваришлаш, минерал ўғит, ёқилғи маҳсулотлари ва техника билан таъминлаш ҳамда ҳосилни нест-нобуд қилмасдан йиғиштириб олишгача бўлган жараён доимий прокурор назоратига олинган. Жумладан, минерал ўғит, нефт маҳсулотлари ва чигитни талон-торож қилиш ҳамда уларни республика ҳудудидан ноқонуний равишда четга олиб чиқиб кетиш ҳолатларининг олдини олиш тўғрисидаги қўшма топшириқ ижроси бўйича назорат тадбирлари ўтказилиб, муайян ишлар амалга оширилмоқда. Бу тадбирлар давомида 3 та ҳолатда ноқонуний равишда чигитнинг муомалага киритиш, 21 ҳолатда минерал ўғитни, 2 ҳолатда нефт маҳсулотларини талон-торож қилиш аниқланган. Хусусан, Боғот тумани "Маданият" қишлоғидаги 1-сон ФЁТШ катта оператори А.Қурбанов баҳоси 4,3 млн. сўмлик 3 тонна дизель ёнилғисини шу қишлоқда жойлашган "Иззат-Камул" хусусий корхонаси раҳбари К.Рўзметовга 8,4 млн. сўмга сотиб, ўзига ишониб топширилган ўзганинг мулкини ўзлаштирган. Ушбу ҳолат юзасидан Боғот туман прокуратураси томонидан А.Қурбановга нисбатан жиноят иши қўзғатилди ва суд томонидан жазо муқаррарлиги таъминланди.

Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаментининг Шовот туман бўлими ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирда эса тумандаги Гулчи кўчасида яшовчи фуқаро С.Қаландаров минерал ўғитларни ноқонуний муомалага киритиш учун сақлаб қўйганлиги маълум бўлди. Уйи олдида 10 қоп "сульфат алюминий" минерал ўғитини сотганлиги ҳолати юзасидан унга нисбатан ЖКнинг тегишли моддасига мувофиқ жиноят иши қўзғатилди ва суд томонидан жазо муқаррарлиги таъминланди.

"Меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройлик" дейди халқимиз. Зеро, қилинган меҳнат ҳеч қачон бесамар кетмаган. Вилоятимизда эл корига яраётган фермерлар сони тобора ортиб бормоқда. Прокуратура органлари томонидан уларнинг манфаатини ҳимоя қилиш борасида муайян чоралар кўрилмоқда. Жумладан, 67,4 гектар ер майдони, 81,7 тонна минерал ўғит, 0,3 тонна уруғлик чигит, 7,4 тонна уруғлик буғдой, 11 тонна нефт маҳсулотлари, 8,5 млн. сўмлик эҳтиёт қисм, 14,7 млн. сўмлик иш ҳақлари, 87 млн. сўмлик кредитлар олиб берилишида амалий ёрдам кўрсатилиб, 67,1 млн. сўмлик дебитор ва 18 млн. сўмлик кредит қарздорликларнинг бартараф қилиниши таъминланди.

Умуман олганда, йилнинг ўтган даврида қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунийликни таъминлаш юзасидан ўтказилган 128 та текширишда аниқланган қонунбузилиши ҳолатларини бартараф қилиш ҳақида тегишли идораларга 111 та тақдимнома киритилиб, мансабдор шахсларнинг қонунга зид бўлган 40 та ҳужжатлари прокурор протестлари асосида қонунга мувофиқлаштирилди. Прокурор тақдимномаси ва қарорларига асосан 179 нафар мансабдор шахс интизомий, 471 нафари маъмурий ва 25 нафари моддий жавобгарликка тортилди. 173 нафари расмий равишда огоҳлантирилди. Қўпол қонунбузилишлар юзасидан 8 та жиноят иши қўзғатилди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, қишлоқ хўжалиги мамлакат иқтисодиётида муҳим аҳамият касб этади. Ризқ-рўзимиз, дастурхонимиз тўкинлиги, турмушимиз ободлиги бевосита аграр соҳа билан боғлиқ. Шундай экан, бу соҳага бўлган прокурор назорати асло сусайтирилмайди.

# Одам савдосига қарши курашиш долзарб вазифа

*Инсон қадр-қимматига таҳдид солаётган трансмиллий уюшган жиноятчилик кўринишларидан бири бўлган одам савдоси — чегара танламаслиги, домига асосан ёшлар ва аёлларни тортаётганлиги билан барчала хавотир уйғотмоқда. Айрим инсонлар бойлик учун ҳар қандай пасткашликдан тап тортмай юқори маош ваъда қилиб, содда одамларни «тўр»ларига илинтиришаяпти. Шу боис, 2008 йилнинг 17 апрелида "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди ва мамлакатимизда ушбу жиноятга қарши курашиш билан бирга, одам савдосидан жабрланганларни ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари ҳам яратилди.*

**Раҳматулла ТЎХТАМИШЕВ,**
Сирдарё вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

Сирдарё вилоят прокуратураси органлари томонидан юқорида қайд этилган қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 8 июлдаги "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ҳамда Республика Идоралараро комиссиясининг қарорлари ижроси юзасидан муайян чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Назорат тадбирларида вилоят ҳамда шаҳар-туман ҳудудий идоралараро комиссияларининг изчил фаолият кўрсатиши, одам савдосига қарши курашиш бўйича тадбирлар режасининг тўлиқ ижро этилиши, аҳоли бандлигини таъминлаш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг одамларни ёллаш билан шуғулланувчи шахсларни аниқлаш борасидаги фаолияти самарадорлигини ошириш, ушбу ҳолатлар билан боғлиқ мурожаатларнинг қонуний ҳал қилинишини таъминлаш, жиноят ишлари бўйича дастлабки терговни ҳар томонлама, тўлиқ ва сифатли олиб бориб, жазо муқаррарлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Одам савдосига қарши курашиш бўйича вилоят ҳудудий идоралараро комиссияси аъзолари учун вилоят ҳокимлиги биносида таҳлилий ишчи гуруҳи хонаси ташкил этилиб, зарур жиҳозлар ва адабиётлар билан таъминланган. Шунингдек, туман-шаҳар ҳокимликларида комиссиялар котибияти учун алоҳида хоналар ажратилиб, улар соҳага оид маълумотлар базаси жамланган компьютер, тегишли қонунчилик ва жиноятчилик аҳволи ёритилган тематик стендлар билан жиҳозланган.

Вилоят прокуратураси томонидан "Одам савдосига қарши курашишни ташкил этиш масалалари бўйича" 2 та компьютер дастури ва 2 та услубий қўлланма тайёрланиб, улардан одам савдосига қарши курашиш фаолияти билан шуғулланувчи прокурор-тергов ходимлари, ички ишлар идораларининг ходимлари, ҳудудий комиссиялар аъзолари ва доимий фаолият кўрсатувчи ишчи гуруҳлари аъзолари фойдаланиб келишмоқда. Бундан ташқари, Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссияси томонидан 2013 йил 28 январда тасдиқланган "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини янада ошириш борасида 2013-2014 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар режаси"га асосан, вилоят идоралараро комиссиянинг чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, ижроси таъминлаб борилмоқда. Жумладан, вилоят прокуратураси органлари томонидан фуқароларнинг одам савдоси билан боғлиқ ариза ва хабарларининг белгиланган тартибда рўйхатга олиниши ва улар юзасидан ЖПК талаблари асосида тегишли қарорлар қабул қилиниши, қўзғатилган жиноят ишлари устидан прокурорлик назоратининг доимийлиги таъминланиб келинмоқда.

Амалга оширилган ишлар жараёнида 2013 йилнинг ўтган даври мобайнида одам савдоси билан боғлиқ 17 та жиноят иши қўзғатилиб, 7 таси айблов хулосаси билан судларга юборилиб, 5 та жиноят ишининг тергови ЖПКнинг 364-моддаси 1-қисми 1- ва 2-бандлари асосида тўхтатилган. 1 таси тугатилиб, 4 таси тергов қилинмоқда.

Судга юборилган 7 та жиноят ишининг 5 тасини кўриб чиқиш натижалари бўйича 6 нафар шахс озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилинган. Жумладан, фуқаро Г.Дудоладованинг Гулистон шаҳрида яшовчи фуқаролар Т.Бляшина, О.Мансурова ва К.Смирноваларни алдаб, Қозоғистон Республикасига номаълум шахсларга сотиб юбориш учун олиб кетаётган вақтда ушланганлиги ҳолати бўйича ЖКнинг тегишли моддаси билан жиноят иши қўзғатилган. Жиноят ишлари бўйича Янгиер шаҳар судининг ҳукми билан Г.Дудоладовага озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланган.

Ширин шаҳрида яшовчи А.Линнинг фуқаролар У.Юлдошев, С.Алибеков ва Б.Тошматовларни Қозоғистоннинг Астана шаҳрига олиб бориб, уларни "Нурдавлат" исмли шахсга сотиб юборганлиги ҳолати бўйича эса А.Линга нисбатан ЖКнинг 135-моддаси 2-қисми билан жиноят иши қўзғатилган. Жиноят ишлари бўйича Ширин шаҳар суди томонидан унга ҳам озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланган.

/Давоми 7-бетда/

# Қонунчиликни таъминлаш ва ёшлар ўртасида ҳуқуқий тарғиботнинг ўрни

***Бугунги кунда ҳуқуқий саводхонликни таъминламасдан, уни амалиётда тўғри, тизимли йўлга қўймасдан фуқароларнинг сиёсий, ҳуқуқий онги, маданияти ва билим даражасини оширишга эришиб бўлмайди. Мазкур йўналишда мамлакатимизда зарур ҳуқуқий база тўлиқ шакллантирилган бўлиб, хусусан, Асосий Қонунимизда фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурлиги белгилаб қўйилган.***

Мустақиллик йилларида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари натижасида мамлакатимизда эришилган ютуқлар кенг қамровли ҳуқуқий ислоҳотларда ҳам ўз аксини топди. Жамиятни демократлаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўлиқ юзага чиқаришга қаратилган бу ислоҳотлар ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш сари ташланган дадил қадамлар бўлди. Шу мақсадда, мустақиллик йилларида 500 дан ортиқ қонунлар қабул қилинди. Давлат бошқарувини демократик асосда янгидан ташкил этиш, бозор иқтисодиётини босқичма-босқич модернизациялаш, суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштиришдек тарихий ўзгаришларнинг ҳуқуқий базаси яратилди. Икки палатали парламент шакллантирилиб, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг роли оширилди. Суд тизими ислоҳ этилиб, унинг самарадорлигини ошириш мақсадида жиноий ва фуқаролик ишларига ихтисослашган суд тизимлари шакллантирилди. Айниқса, давлат ва жамиятни демократлаштиришни янги босқичга олиб чиққан конституциявий қонунлар қабул қилинди. Ўлим жазоси бекор қилиниб, қамоққа олиш ҳуқуқи судларга ўтказилди.

Шубҳасиз, ўтмишимиздаги тоталитар тузум ғоялари билан заҳарланган фуқаролар онгини ўзгартириш, миллий руҳ ва мустақиллик мафкурасини мустаҳкамлашга хизмат қилган кенг қамровли ҳуқуқий тарғибот ишлари бу ютуқларга қисқа вақтда эришишнинг энг асосий воситаси вазифасини бажарди.

Бугунги кунда ушбу вазифалар турли муассасаларнинг, суд-ҳуқуқ тизими идораларининг, оммавий ахборот воситаларининг фаолиятига асос бўлиб хизмат қилмоқда. Шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси прокуратураси фаолиятининг асосий йўналишларидан бири ҳам ҳуқуқий тарғиботдир. Шу боис, прокуратура органларида тарғибот тадбирларини ташкил этишда қуйидаги усуллардан фойдаланилмоқда:

— маҳаллаларда, корхона ва муассасаларда учрашувлар ўтказиш;

— мактаблар, коллежлар, университетлар ва бошқа ўқув муассасаларида конференциялар, семинарлар ташкил этиш;

— оммавий ахборот воситалари орқали турли чиқишлар уюштириш;

— ҳуқуқий онгни ўстиришга мўлжалланган турли адабиётлар тайёрлаш, босмадан чиқариш ва тарқатиш.

Бу борада амалга оширилаётган ишларга назар ташлайдиган бўлсак, биргина жорий йилнинг ўтган даври мобайнида қонунчилик тарғиботига оид жами 151 576 та тадбир ўтказилган ҳамда прокурор терговходимлари томонидан ОАВда 38814 марта чиқишлар қилинган.

Тарғибот ишларида шунингдек, вояга етмаганларнинг ҳуқуқий тарбиясига, улар орасида турли зарарли ғояларнинг тарқалишига қарши курашишга алоҳида эътибор берилмоқда. Диний экстремизм ва фундаментализмнинг, наркобизнес ва гиёҳвандликнинг олдини олиш бундай тарбиянинг асосини ташкил этади. Шунингдек, ёшлар орасида миллий-маънавий қадриятларимизни, урф-одатларимизни тарғиб қилиш ҳам ана шундай зарарли одатларнинг олдини олишга хизмат қилиши шубҳасиз. Бу борада бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан изчил ҳамкорлик ўрнатилган бўлиб, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан Бош прокуратура ўртасида жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга, қонунийликни таъминлашга йўналтирилган ҳуқуқий тарғибот ишлари бўйича ҳамкорлик қилиш тўғрисида Меморандум ишлаб чиқилган. Ушбу Меморандум бу борада олиб борилаётган ишларни ўзаро мувофиқлаштириш, тажриба алмашиш имконини яратмоқда. Ҳамкорлик натижасида тарғибот ишларининг савияси янада ошди.

Ҳозирги мураккаб ва таҳликали замон жамиятимизни янгилаш, мамлакатимизни модернизация қилиш билан боғлиқ ҳаётнинг ўзи қўйган янги ва янги вазифаларни амалга оширишни тақозо этмоқда. Хусусан, ёшлар тарбиясининг муҳим бўғини — миллий ғояни шакллантириш ва ҳозирги замон мафкуравий таҳдидларига қарши курашиш бўйича назарий, фундаментал дунёқарашни мустаҳкамлаш долзарб аҳамият касб этади.

XXI аср бошига келиб, жаҳонга мафкуравий ҳукмрон бўлиб олишга уринишлар авж олди. Очиқ ҳарбий куч ишлатиш усулидан кўра, халқларни маънавий-мафкуравий жиҳатдан тобе қилишга бўлган интилиш кучайди. Диний, сиёсийлашган диний, сиёсий, бадиий мазмундаги адабиётлар тарқатиш, видеофильмлар, реклама эълонлари ваколатхоналари очиш, турли жамғармалар ташкил этиш орқали ва бошқа кўплаб усуллар воситасида мафкуравий хуружлар амалга оширилмоқда.

Мафкуравий кураш миллатимиз келажагини, тақдирини ҳал этади. Миллий ғоя эса бундай мафкуравий курашда бизга асосий қурол, ҳимояланиш воситаси ва руҳий куч-қувват бўлиб хизмат қилади. Президентимиз кўрсатиб ўтганидек, халқимизнинг табиатига мутлақо ёт бўлган сиёсий, диний экстремизм, ақидапарастлик ва бошқа ёвуз оқимларнинг минтақамизга кириб келиши ва тарқалиши тинчлик ва осойишталикка, фарзандларимизнинг келажагига катта хавф туғдиришини одамлар онгига чуқур сингдириб бориш керак. Қаерда мафкуравий бўшлиқ бўлса, у ерни ўзга мафкура эгаллайди, мафкуравий бўшлиқ — ижтимоий-сиёсий ва маънавий-мафкуравий барқарорликка, миллат равнақига, унинг ривожланишига раҳна солувчи ёт ғоялар тарқалишига имкон яратувчи муҳитни вужудга келтиради.

Ўзбекистонга қилинаётган мафкуравий таҳдидлар ва уларнинг асосий турлари тўғрисида Президентимиз ўзининг "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" асарида атрофлича тўхталиб ўтган. Асарда Ўзбекистонга қилинаётган мафкуравий таҳдидларнинг асосий турлари: диний экстремизм ва фундаментализм, буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчилик, наркобизнес, халқаро терроризм, ахлоқсизликни тарғиб қилувчи оммавий ахборот тизимлари кабиларнинг моҳияти чуқур таҳлил этиб берилган.

Айтиш жоизки, ёшларнинг ғоявий-мафкуравий дунёқараши қанчалик юксак бўлса, миллий ғоя кишилар дунёқарашида қанчалик мустаҳкам ўрин олса, жамиятимизда ижтимоий-ғоявий муҳит шунчалик мусаффо бўлади.

Президентимизнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" номли асарида таъкидланганидек, бизнинг энг улуғ мақсадимиз, энг улуғ ғоямиз мустақилликни мустаҳкамлаб, мамлакатимизни ҳар томонлама юксалтириб, ёруғ ва эркин ҳаёт сари олға юришдир.

**Илҳом ТАИРОВ,**
Бош прокуратура бошқарма прокурори

# Эрта никоҳ — соғлом авлод келажагига таҳдид

***Мамлакатимизда оила институтини янада такомиллаштириш, ёш авлод саломатлигини таъминлаш, вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, улар ўртасида эрта никоҳга киришнинг олдини олиш юзасидан қонунчилигимиз такомиллаштирилиб борилмоқда. Дарҳақиқат, жамиятда соғлом ва баркамол авлод вояга етишининг муҳим омилларидан бири, никоҳ ёшига тўғри амал қилишдир. Афсуски, кейинги пайтда юртимизда қизларни эрта турмушга бериш ҳолатлари учраб турибди.***

Бундай иллатлар жамият маънавиятига салбий таъсир кўрсатади. Унинг олдини олиш учун эса маҳаллаларда аёллар ролини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий ва маънавий саводхонлигини оширишга қаратилган амалий ва таъсирчан тадбирларга эътибор қаратиш лозим. Зеро, оиланинг бахтли, мустаҳкам, фаровон бўлишида онанинг ўрнини ҳеч ким боса олмайди.

Никоҳ — эркак билан аёлнинг тенг ҳуқуқли, эркин ва ихтиёрий иттифоқи бўлиб, у фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида тузилади ва оила тузиш мақсадига хизмат қилади. Никоҳ тузиш шунчаки расмиятчилик эмас. Давлатнинг никоҳни қайд этиши юридик фактдир. Айнан рўйхатга олинган (қайд этилган) никоҳ юридик никоҳ, деб ҳисобланади ва эр-хотинлик ҳуқуқлари ва мажбуриятларини юзага келтиради, норасмий (қайдсиз) никоҳ ҳақиқий эмас.

Мамлакатимизда белгилаб қўйилган турмуш қуриш ёши бу айнан шу ёшда турмуш қуриш кераклигини билдирмайди. Аҳоли турмуш тарзининг, маданияти ва дунёқарашининг ўзгариши туфайли, ёшларда никоҳга, никоҳ ёши ва фарзандлар сонига нисбатан қарашлар ўзгармоқда. Кўпчилик бўлажак келин ва куёвнинг ўқиган, оқ-қорани ажрата оладиган, оила билан боғлиқ билимлар (фарзанд тарбияси, оилавий муносабатлар, уй-рўзғор юмушлари каби)ни тушунадиган бўлиши зарур, деган фикрга келмоқда.

Кузатишлар давомида 17 ва 18 ёш ўртасида катта фарқ борлиги аниқланди. Хусусан, 17 ёшда болаликка хос қарашлар сақланиб қолганлиги туфайли, оилавий муносабатлар ва жамиятдаги ҳодисаларга нисбатан эмоционал, романтик муносабатда бўлиш, келажакни идеаллаштириш каби ҳолатлар кўп учрайди. 18 ёшда эса, ҳақиқатан ҳам мустақил шахс эканини сезиш ҳисси шаклланади, қарашлар ўзгаради, физиологик, ақлий, руҳий томондан ҳам маълум маънода ҳаётга тайёр бўлади.

Жорий йилнинг 1 май куни "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинди. Мазкур қонун билан ёш авлоднинг баркамол ривожланишини таъминлаш, болаларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш, эрта никоҳлар салбий оқибатларининг олдини олиш бўйича ҳам қонунчиликка ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 15-моддаси иккинчи қисми янги таҳрирда баён этилди. Унга кўра, никоҳ ёшини камайтиришга рухсат бериладиган ҳолатларнинг кенг маънода шарҳланишининг олдини олиш мақсадида, уларнинг аниқ рўйхати белгиланди. Хусусан, узрли сабаблар бўлганида, алоҳида ҳолларда (ҳомиладорлик, бола туғилиши, вояга етмаган шахснинг тўла муомалага лаёқатли, деб эълон қилиниши (эмансипация), никоҳга киришни хоҳловчиларнинг илтимосига кўра, никоҳ давлат рўйхатидан ўтказиладиган жойдаги туман, шаҳар ҳокими никоҳ ёшини кўпи билан бир йилга камайтириши мумкинлиги мустаҳкамланди. Шунингдек, никоҳ ёши тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарликни янада кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 47-3-модда билан тўлдирилди.

Унга кўра, 47-3-модданинг 1-қисмида никоҳ ёшига етмаган шахс билан ҳақиқатда никоҳ муносабатларига киришиш учун жавобгарлик белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 15-моддасига асосан никоҳ ёши эркаклар учун ўн саккиз ёш, аёллар учун ўн етти ёш этиб белгиланади. Оила кодексида белгиланган никоҳ ёши ҳақидаги норманинг никоҳга кирувчи эркак ва аёл томонидан бузилиши ушбу модданинг 1-қисмига асосан энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача жарима солишга сабаб бўлади. Шунингдек, ушбу модданинг 2-қисмида никоҳ ёшига етмаган шахсни эрга берганлик ёхуд уйлантирганлик учун ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг жавобгарлиги белгиланган.

Фарзанди никоҳ ёшига тўлмаганини била туриб, уни эрга берган ёки уйлантирган ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга энг кам иш ҳақининг етти бараваридан ўн беш бараваригача жарима солинади.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг II бўлим 3-бобида никоҳ тузиш тартиби ва шартлари кўрсатилган бўлиб, унга кўра, никоҳ фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида тузилади. Диний расм-русумларга биноан тузилган никоҳ ҳуқуқий кучга эга эмас. Афсуски, маънан ва жисмонан етуклик даврида оила барпо этишнинг афзалликлари, эрта турмуш қуриш эса аксинча, оила келажагига салбий таъсир этиши хусусида олиб борилаётган тушунтириш ишларига қарамасдан шаръий никоҳ асосида оила қуриш ҳолатларига йўл қўйилмоқда.

Бу каби салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида никоҳ ёшига етмаган шахс билан никоҳ тузишга доир диний маросимни амалга оширганлик учун ҳам жавобгарлик кўзда тутилди.

/Давоми 6-бетда/

**А.ГУЛЬМУРАТОВ,**
Зарбдор туман прокурори

# Ҳуқуқий эксперимент: ижтимоий сўров ва жамоатчилик муносабатлари

***Хабарингиз бор, айни кунларда "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси Бухоро ва Самарқанд вилоятларида ҳуқуқий тажрибадан ўтказилмоқда. Ушбу қонун лойиҳасини ҳар икки вилоятда синовдан ўтказиш жараёнида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан бир қаторда, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда уларнинг фаолияти ҳақида ахборот олишдан манфаатдор бўлган юридик ва жисмоний шахслар ҳам фаол иштирок этишмоқда.***

**Олим ЎСАРОВ,**
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик
палатаси депутати

Қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш ва маромига етказиш, энг муҳим ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий муаммоларни ҳал этиш, мамлакатни демократик янгилаш ва модернизация қилиш соҳасидаги вазифалардан аҳолининг хабардорлигини оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, шунингдек, оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва ролини янада мустаҳкамлашга доир таклифлар олиш мақсадида лойиҳа жамоатчилик муҳокамасига олиб чиқилди ва комплекс чора-тадбирлар дастури белгиланди. Жумладан, ўтказиладиган экспериментнинг самарадорлиги ва эксперимент ўтказиш субъектлари ўзининг ахборот очиқлигини таъминлаш бўйича фаолияти юзасидан ахборотдан фойдаланувчиларнинг баҳоларини олишга доир ижтимоий тадқиқотлар олиб бориш имконияти юзага келди. Шу мақсадда "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан Самарқанд ва Бухоро вилоятларида "Тадбиркорлар "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги Қонун лойиҳасини синовдан ўтказиш бўйича ҳуқуқий тажриба ҳақида" мавзусида ижтимоий сўров ўтказилди. Унда ёши, касби ва миллатидан қатъи назар, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи аҳоли вакиллари иштирок этдилар.

Сўров иштирокчилари таъкидлаганидек, ушбу чора-тадбирлар Президентимиз томонидан "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да белгилаб берилган устувор вазифаларни изчил амалга оширишнинг таркибий қисмидир. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг ошкоралигини, аҳолининг улар томонидан қабул қилинаётган қарорлардан хабардорлигини таъминлаш давлат ва жамиятни демократлаштириш ва модернизация қилиш йўлидан изчиллик билан боришнинг муҳим шартидир, дея эътироф этиш мумкин.

Сўров натижалари тадбиркорларнинг мазкур қонун ва уни синовдан ўтказиш тажрибаси ҳақида етарлича маълумотга эга эканини кўрсатди. Бу синов апрель ойида бошланган ва шу йилнинг охиригача давом этади. Айни пайтда ижтимоий тадқиқотлар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг, айниқса, туманлардаги давлат бошқаруви органларининг Ахборот хизматлари фаолиятини кучайтириш, тадбиркорлар ва давлат органлари ўртасидаги мулоқотни кенгайтириш зарурлигини кўрсатди. Иштирокчиларнинг фикрича, бу нафақат давлат органлари фаолиятининг ошкоралигини таъминлаши, балки қонун лойиҳасининг асосий қоидалари ва ҳуқуқий тажриба вазифаларини кенг тушунтиришга кўмаклашиши зарур.

Аксарият тадбиркорларнинг (90,3 фоиз) фикрича, "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги Қонун лойиҳасининг 6-моддасида ушбу органлар фаолиятига оид барча асосий ахборот манбалари қамраб олинган. Шу билан бирга, сўровда қонун лойиҳасининг 7-моддасига Ахборот хизматлари фаолиятини яхшилаш бўйича таклифлар киритиш ҳақида мулоҳазалар билдирилган. Жумладан, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ахборот технология воситаларини кенг татбиқ этиш орқали улар ҳузурида интерактив хизмат кўрсатиш хизматларини йўлга қўйиш таклифи билдирилган. Бундан ташқари, ҳуқуқий масалалар, жумладан, қонун лойиҳасининг муайян қоидалари бўйича тушунтириш ишларини кучайтириш, бу борада муайян режа асосида матбуот анжуманлари, брифинглар ташкил қилиш, ушбу тадбирлар ҳақида, шунингдек, ОАВ ва жамоатчилик билан ўзаро ҳамкорликка масъул мансабдор шахслар тўғрисида мунтазам маълумот бериб бориш таклиф қилинган. Кўпчилик иштирокчиларнинг (97,2 фоиз) таъкидлашича, қонун лойиҳасининг 9-моддасида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлашнинг барча услублари қайд этилган.

Сўров маълумотларига кўра, тадбиркорлар кўпинча ахборот олиш, кундалик фаолият ёки қабул қилинган қарорга оид тушунтиришлар бўйича вилоят ва шаҳар ҳокимликларига, тегишли вакиллик органларига мурожаат қилмоқдалар. Иштирокчиларнинг 92,3 фоизи ўз мурожаатига тегишли маълумот тақдим этилгани, 72,2 фоизи жавобни 15 кун муддатда олганини билдирган. Айни пайтда қатнашчиларнинг 36,6 фоизи ахборот сўровларини кўриб чиқиш муддатини 5-10 кун деб белгилаш ва бу ҳолатни қонун лойиҳасида акс эттириш зарурлигини таклиф қилган. Шунингдек, сўровда иштирок этган тадбиркорларнинг ярмидан кўпроғи вилоят, туман ҳокимлиги, вазирликларнинг вилоятдаги бўлим ва идораларида фаолият юритаётган ахборот хизматлари ва уларнинг алоҳида тузилма сифатида ахборотларни тайёрлаши ва тарқатиши, ОАВ ва жамоатчилик билан ҳамкорликни таъминлаш борасидаги вазифалари ҳақида яхши хабардор. Аммо тадбиркорларнинг учдан бир қисми (30,6 фоиз) таъкидлаганидек, Ахборот хизматлари "давлат органларининг ҳаммасида" ҳам мавжуд эмас. Сўровда иштирок этган деярли ҳар бешинчи тадбиркор (22,2 фоиз) ўз ҳудудида Ахборот хизматининг фаолият юритишидан умуман бехабар. Олинган хулосалар шундан далолат берадики, вилоятдаги бошқарув органлари ва жамоат ташкилотларининг аксариятида Ахборот хизматлари фаолияти тўлиқ ташкил этилмаган, мавжудлари эса ўз фаолиятини етарли даражада адо этмаётганлиги, улар фаолиятининг мақсади ва тартиби ҳақида эса батафсил маълумот йўқлиги кўзга ташланади.

Сўров мобайнида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари тадбиркорлар ва фермерларга ўз фаолияти ҳақида қандай маълумотлар тақдим этаётгани аниқланган. Одатда тадбиркорлар бундай маълумотларни давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари вакилларининг чиқишлари орқали (83,3 фоиз), иккинчи навбатда эса давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг Ахборот хизматлари ёки бошқа ваколатли тузилмалар томонидан тақдим этилаётган ахборотлар (79,4 фоиз), учинчи ўринда оммавий ахборот воситалари орқали тақдим этилаётган маълумотлардан (54,7 фоиз) олади. Бироқ сўров натижаларига кўра, юқорида келтирилган ахборотлар фуқароларга мунтазам равишда тақдим этилмайди. Шу боис, кўпчилик тадбиркорлар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти ҳақидаги маълумотларни олишнинг энг тезкор ва ишончли усули сифатида видеомулоқот, интернет, Skype ва веб-сайтлар (38,9 фоиз)дан самарали фойдаланишни таклиф этмоқда. Демак, қонун лойиҳасини синовдан ўтказиш жараёнида тадбиркор ва фермерлар зарур маълумотларни Интернет тармоғидан олишларига эътибор қаратган. Бу албатта, электрон ОАВга бўлган талабнинг ошиши ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг янада оммалашаётганидан далолат беради.

Тадбиркорларнинг фикрича, ишлаб чиқилган қонун лойиҳасига давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти ҳақидаги маълумотларни узатишда телевидение, радио, интернет ва матбуот сингари ахборот манбаларини киритиш лозим (40 фоиз). Кўпчилик тадбиркорлар (60 фоиз) муҳим ахборот манбаи сифатида ўзини ўзи бошқариш органлари, яъни маҳаллаларни танламоқда. Сўров иштирокчиларининг кўпчилиги (57,5 фоиз) қонун лойиҳаси барча ижтимоий масалаларни ҳал этишга қаратилган, деб ҳисоблайди. Қатнашчиларнинг озчилик қисми (42,5 фоиз) эса қонун тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишини, асосан ошкораликни, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, миллий манфаатлари таъминланишини эътироф этади. Натижалар ўрганилаётган ҳудудлардаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг Ахборот хизматлари томонидан етарли даражада тушунтириш ишлари олиб борилмаётганидан далолат беради.

Сўровда тадбиркорлар қонун ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш борасида бундай янгича ёндашувлардан фойдаланиш мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни ортга қайтариб бўлмаслигининг кафолати эканига ҳамда давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини янада демократлаштиришга хизмат қилишига қатъий ишонч билдирди. Шу боис бўлса керак, тадбиркорлар уларнинг ҳудудида олиб борилаётган ҳуқуқий экспериментдан юқори натижаларни кутишмоқда. Албатта, ишлаб чиқилган қонун лойиҳаси нормалари давлат органлари фаолиятининг очиқлиги ва самарадорлигини таъминлабгина қолмай, мамлакатда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда ҳам муҳим ҳуқуқий асос яратади. Шу боис, ўтказилган ижтимоий тадқиқот тадбиркорларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан амалга оширилаётган давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг ошкоралигини таъминлашга доир ислоҳотлар мамлакатимиздаги демократик ўзгаришларнинг жадаллашуви ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш шартларига мос эканига ишончи ортиб бораётганини кўрсатди. Шунингдек, Самарқанд ва Бухоро вилоятлари тадбиркорлари ушбу жараёнда қабул қилинаётган қонунларни жамоатчилик экспертизасидан ўтказишнинг мутлақо янги услуби, фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгилаб қўйилган ҳуқуқлари ва эркинликларини амалга оширишнинг муҳим ташкилий-ҳуқуқий механизми, деб билади. Ушбу қонун лойиҳаси юзасидан билдирилган фикр-мулоҳаза ва таклифлар қонун лойиҳасини янада такомиллаштиришга ёрдам беради, деб ўйлаймиз.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда илғор демократик давлат барпо этиш, ижтимоий ҳаётимизни демократлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятига очиқлик, ошкоралик бериш орқали улар ишининг самарадорлигини ошириш, фуқаролар ҳаётига дахлдор масалалар бўйича қабул қилинаётган қарорларнинг мазмун-моҳиятини аҳолининг кенг қатламларига етказиш, пировардида, ушбу қонун лойиҳасига аниқ, асосли таклиф ва тавсиялар олишда ҳуқуқий тажриба беқиёс аҳамият касб этади.

# Эрта никоҳ — соғлом авлод келажагига таҳдид

/Давоми. Бошланиши 5-бетда/

МЖтК 47-3-моддасининг 3-қисмига кўра, никоҳ ёшига етмаган шахс билан никоҳ тузишга доир маросимни амалга оширган имом-хатиб, мулла ёки диний никоҳ ўқиган бошқа шахсларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан йигирма баравригача жарима солинади. Бу тоифадаги маъмурий ишлар Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 245-моддасига асосан маъмурий ишлар бўйича судьялар томонидан кўриб чиқилади.

Бундан ташқари, мазкур қонун билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг махсус қисмига янги модда қўшилди. Яъни никоҳ ёши тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузишга доир ижтимоий хавфли қилмиш жиноят, дея эътироф этиладиган бўлди. Қонунга кўра, Жиноят кодексининг махсус қисмига 125-1-модда қўшилди.

Мазкур модданинг 1-қисмида никоҳ ёшига етмаган шахс, яъни эркак ва аёл билан ҳақиқатда никоҳ муносабатларига киришиш учун жиноий жавобгарлик белгиланди. Жавобгарликнинг зарурий шарти сифатида шундай қилмиш учун муқаддам маъмурий жавобгарликка тортилган бўлиши зарур.

Маъмурий жавобгарликка тортилганидан кейин ҳам ушбу ҳаракатларни бир йил давомида содир этиш ушбу модданинг 1-қисми билан энг кам иш ҳақининг йигирма бараваридан ўттиз бараваригача жарима ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч ойгача қамоқ билан жазоланади.

Модданинг 2-қисмида никоҳ ёшига етмаган шахсни эрга берган ёки уйлантирган ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар учун жиноий жавобгарлик белгиланди.

Мазкур моддада ҳам шундай қилмиш маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида содир этилса, энг кам ойлик иш ҳақининг ўттиз бараваридан эллик бараваригача жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд тўрт ойгача қамоқ билан жазоланади.

Мазкур модданинг 3-қисмида никоҳ ёшига етмаган шахс билан никоҳ тузишга доир диний маросимни амалга оширган имом-хатиб, мулла ёки диний никоҳ ўқиган бошқа шахслар учун жиноий жавобгарлик кўзда тутилиб, унга кўра шундай қилмиш маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида содир этилса, энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланиши мустаҳкамлаб қўйилди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, қонунчиликка киритилган қайд этилган ўзгартиш ва қўшимчалар оила институтини янада такомиллаштиришга, ёш авлоднинг саломатлигини муҳофаза қилишга, вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, улар ўртасида эрта никоҳга киришнинг олдини олишга хизмат қилади.

# Сайлов — ошкоралик демак

Нилуфар НИЁЗОВА,
«Ниqиq»

*Мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ислоҳотларнинг устувор йўналиши, энг аввало, фуқароларнинг давлат бошқарувини амалга оширишдаги реал иштироки ва маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни мустақил ҳал қилишларини таъминловчи ҳуқуқий кафолатлар тизимини яратишга қаратилгандир. Зеро, ўзини ўзи бошқариш органларининг кенг кўламда мустақил ва самарали фаолият юритиши фуқаролик жамиятини барпо этишнинг муҳим воситасидир.*



Юртимизда маҳалла шаклидаги ўзини ўзи бошқарувчи ноёб ижтимоий ташкилот азалдан мавжуд бўлган. Халқимиз асрлар давомида маҳалла орқали жамоатчилик фикрини аниқлашнинг ҳамда бирдамлик кўрсатишнинг ўзига хос усулларини шакллантириб, миллий ўзлигини, улкан маънавий бойликлари, қадриятларини асраб-авайлаб, бойитиб келмоқда. Шу боис, истиқлол йилларида маҳаллани ривожлантириш, унинг роли ва ваколатларини кенгайтиришга жиддий эътибор қаратилиб, том маънодаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига айланиши учун зарур бўлган барча шарт-шароитлар яратилган. "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" тамойилининг мазмун-моҳияти ҳам айнан мана шу вазифаларни самарали ҳал этишга йўналтирилгандир.

Бундан ташқари, бошқа бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳақидаги нормалар ўз аксини топган. Ўтган давр мобайнида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир қатор Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари, шунингдек, жорий йилда "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги ҳамда "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Қонунлар янги таҳрирда қабул қилинди.

Мазкур қонунларга киритилган янги нормаларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан янада такомиллаштирилиб, уларга аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, оилавий тадбиркорлик ва миллий ҳунармандчиликни ривожлантиришга кўмаклашиш, давлат бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб бориш соҳасидаги ваколатлар берилди.

Шу билан бирга, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг мулк ҳуқуқи кафолатлари белгиланди, фуқаролар йиғини раисининг ваколатлари муддати кенгайтирилди, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ишлари бўйича мувофиқлаштириш кенгашларини шакллантириш ва тузиш тартиб-тамойилларига аниқлик киритилди.

Бугунги кунда демократик жараёнларда сайловнинг аҳамияти ҳақида фикр юритар эканмиз, бўлажак сайловда маҳалла раислари ва уларнинг маслаҳатчилари биринчи навбатда эл орасида юксак обрўга эга бўлган, халқ ишончини оқлаган, ўз маҳалласи тараққиёти учун фидоийлик кўрсата оладиган, бошқаларга ўрнак кишилар орасидан сайланиши лозим.

Касб тақозоси билан вилоятимиздаги мавжуд маҳаллаларда ўтказилаётган сайлов жараёнларининг гувоҳи бўляпмиз. Айтиш жоизки, халқимиз бу жараёнга бефарқлик билан эмас, аксинча, ташаббускорлик ила ёндашмоқда. Номзодларнинг бу лавозимга қай даражада мос ёки мос эмаслиги ҳам эътиборда. Фуқаролар йиғини раислари ва унинг маслаҳатчилари сайлови олдинги сайловларда орттирилган тажрибаларга асосланиб, уюшқоқлик ва юқори савияда ташкил этилмоқда. Вилоятимизда бунинг учун барча куч ва имкониятлар етарли.

Қайд этиш жоизки, сўнгги йилларда вилоятда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар тараққиёти ва моддий-техника базасини тубдан мустаҳкамлаш борасида қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Жумладан, "Обод турмуш йили"да вилоятдаги 14 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг хизмат биноларини ўз балансларига ўтказиб берилган бўлса, 135 та фуқаролар йиғини компьютер жамланмаси билан, 179 та фуқаролар йиғинлари эса зарурий мебел жиҳозлари билан таъминланди.

Шу билан бирга, жорий йилнинг 10 ойи давомида вилоятдаги 172 та маҳалла фуқаролар йиғинлари биноси таъмирланди, 43 та маҳаллий давлат органларига берилган бино реконструкция қилинди. Бу хайрли ишларга "Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман (шаҳар) бўлинмалари ва ҳомийларнинг 586 млн. сўмлик маблағлари йўналтирилди. Хусусан, фондининг Наманган шаҳар бўлинмаси томонидан Наманган шаҳридаги Меҳрибонлик ва Ғиштқўприк маҳалла фуқаролар йиғинлари учун янги хизмат бинолари қурилиб, Чорсу, Янгиҳаёт, Чамандзор, Озод, Зарбдор, Сиҳатгоҳ, Мингтерак, Гулпора ва Алпомиш маҳалла фуқаролар йиғинларининг хизмат биноларини таъмирлаш учун 60 млн. 750 минг сўм маблағ сарфланди.

Бир сўз билан айтганда, Наманганда сўнгги беш йил давомида фуқаролар йиғинларини алоҳида бинолар билан таъминлаш, уларнинг моддий-техника базасини тубдан мустаҳкамлаш, маҳалланинг жамиятдаги ролини ошириш ва улар фаолиятини янада кучайтириш борасида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар алоҳида эътирофга лойиқдир. Энг муҳими, бундай эзгу ишлар кўламини кенгайтириш изчил давом эттирилмоқда.

Ватан ичра Ватан — маҳалланинг нуфузи ва мавқеи ўтказилаётган сайловларда уюшқоқлик намунасини кўрсатиб, энг муносиб номзодларни сайлаб олишимизга боғлиқ. Сайловларга шу нуқтаи назардан ҳам фаол муносабатда бўлишимиз лозим.

Куни кеча туманлардан биридан қайтаётиб, беш-ўн нафар қарияларнинг йўл четида тўпланиб, тараддудда турганини кўрдим. Билсам, улар декабрь ойи ўрталарига белгиланган сайловда шу қишлоқлик нафақадаги педагог номзодини қўйиш ниятида туман ҳокимлиги томон йўлга чиқишган экан.

— Номзодларни ўзларинг танлайсизлар-ку, туман ҳокимлигига бориб нима қиласизлар? — сўрадим ажабланиб.

— Тўғри, номзодни ўзимиз танлаяпмиз. Аммо бошқа маҳаллаларда ҳам Сайфиддин сингари ҳаётини шу юрт, Ўзбекистон тақдири билан боғлаган кишилар борлигини, фақат шундай инсонлар кўпчиликка бош бўла олишини яна бир карра ёшларга айтиш истагимиз бор. Сайлов олди йиғилиши бўлаётганини эшитгандик.., — дейишди улар самимият билан.

Ҳа, бу заминда юрт тақдирига ҳеч ким бефарқ эмас: ёшлар ҳам, кексаларимиз ҳам!

# Одам савдосига қарши курашиш долзарб вазифа

/Давоми. Бошланиши 4-бетда/

Яшаш жойидан узоқ муддатга чиқиб кетган ва қайтганларнинг ҳисобини юритиш, уларнинг кетиш сабабларини ўрганиш ҳамда ижтимоий муҳофазасини таъминлаш мақсадида вилоят прокуратураси, ИИБ, божхона, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш бошқармалари, Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамоат фондининг Сирдарё вилоят бўлими томонидан 2013 йил 7 февралда қўшма кўрсатма ишлаб чиқилиб, жойларга ижро этиш учун юборилган. Унга асосан, узоқ муддатга чет давлатларга кетган ва қайтган шахслар ҳақидаги маълумотлар ички ишлар органлари, божхона, бандлик, тиббиёт муассасалари ҳамда маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари ўртасида солиштирув ўтказиш муддатлари, уларнинг бандлиги ва ижтимоий муҳофазасини таъминлаш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган ишлар доираси аниқ белгилаб олинган. Шунингдек, тиббиёт муассасалари томонидан чет элда бўлиб қайтган, одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар натижасида жабрланган шахсларни йиғилишда тиббий кўрикдан ўтказиш ва уларни соғломлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Бу борадаги ишлар Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идораларaро комиссиясининг 2013 йил 18 мартдаги "Одам савдосидан жабрланган фуқаролар, уларни белгиланган тартибда жабрланувчи деб эътироф этилган дастлабки вақтдан соғломлаштириш ва уларнинг бандлигини таъминлаш ҳақида"ги қўшма кўрсатмасида белгиланган тартибда ташкиллаштирилган.

Жорий йилда чет элда бўлиб қайтган шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш натижалари бўйича уларнинг 636 нафарида турли касалликлар аниқланиб, 626 нафари амбулатор шароитда, 10 нафари эса шифохонада даволанган. Одам савдоси жиноятидан жабрланган 32 нафар шахснинг тиббий кўрик натижалари бўйича 3 нафарида турли касалликлар аниқланиб, уларнинг барчасида амбулатор шароитида муолажалар ўтказилган.

Бундан ташқари, чет элда меҳнат фаолиятини амалга оширишнинг амалдаги тартиб-қоидалари, ишга жойлашиш имкониятлари ва шарт-шароитлари тўғрисида маълумот олиш, шунингдек, турли шубҳали жисмоний ёки юридик шахслар томонидан чет элларда ишга жойлаштириш борасидаги таклифларга аниқлик киритиш, ноқонуний миграциянинг олдини олиш ва одам савдосига йўл қўймаслик мақсадида мутасадди идораларда ташкил этилган ишонч телефонлари ҳақида оммавий ахборот воситаларида мунтазам равишда хабарлар бериб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 24 майдаги "Ишга жойлаштиришга муҳтож меҳнат билан банд бўлмаган аҳолини ҳисобга олиш методикасини такомиллаштириш тўғрисида"ги 106-сонли Қарори асосида, вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ва унинг қуйи тизимлари томонидан ҳар чоракда мониторинг ва ўрганишлар ўтказиб келинмоқда.

Ҳудудий дастурларга мувофиқ 32175 та янги иш ўринлари яратилган бўлиб, уларнинг асосий қисми (81,6 фоизи) туманлар ҳиссасига тўғри келади. Шунингдек, корхоналар билан тузилган меҳнат шартномалари асосида 1 207 та касаначилик иш жойлари ташкил этилди.

Вилоят бўйича шунингдек, 26 та меҳнат ярмаркалари ўтказилган бўлиб, унда 717 та ташкилот 6 минг 423 та иш ўринлари билан қатнашди ҳамда 559 нафар шахс йўлланма билан ишга жойлашди. 507 нафарига эса зарур маслаҳатлар берилди.

Одам савдоси ва унинг жирканч иллатлари ҳақида кенг оммага етказиш борасидаги тарғибот ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, вилоят прокуратураси органлари томонидан мазкур йўналишда жами 188 та ҳуқуқий тарғибот тадбирлари ўтказилиб, уларнинг 176 тасини маъруза-суҳбатлар, 12 тасини оммавий ахборот воситаларидан чиқишлар ташкил этган.

Сўнгги сўз ўрнида айтиш лозимки, одам савдосидек иллатга қарши курашишда фақат огоҳ бўлишнинг ўзи кифоя қилмайди. Бу турдаги жиноятга қарши курашиш фақат прокуратура ёки ҳуқуқ-тартибот идораларининг иши эмас, балки барча ҳамюртларимизга ҳам тегишли. Унинг ёмон оқибатларга олиб келишини унутмаслигимиз шарт.

*Мамлакатимизда тадбиркорликни, кичик ва хусусий бизнесни ривожлантиришга катта эътибор берилаётгани юртдошларимиз учун қулай имкониятлар эшигини очиб берди. Кимки бирор фаолият билан шуғулланишни бошласа-ю, маблағдан қийналаётган бўлса, давлатнинг ўзи уни қўллаб-қувватлайди. Ҳатто тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиб олгунига қадар маълум муддатга солиқлардан озод этилади. Шунингдек, имтиёзли кредит олиш ҳуқуқига ҳам эга. Аммо бу йўлда асло фирибгарликка ва товламачиликка йўл қўйилмайди.*

# Ортга кетган иш

**Бекзод МИРЗААҲМЕДОВ,**
СВОЖЖДЛҚК департаментининг Наманган вилоят бошқармаси бўлим бошлиғи ўринбосари

Бироқ тадбиркорлар орасида бироз қаддини тиклаб олгач, даромадларини яширадиганлари ҳам учрамоқда. Лекин ҳаётнинг оддий ҳақиқати мавжуд. Кимки ўзгани алдамоқчи бўлса, ўзи алданади. Қолаверса, қинғир ишнинг барибир қийиғи чиқади.

Норин туманидаги "Беҳруз келажак сари" оператори Назокат Абдуллаева укаси Шерзод Назаров, корхона раҳбари — Наманган шаҳрида яшовчи Баҳодир Темиров, "Норингазсувмонтаж" раҳбари Жасур Раҳимқулов, "Азамат келажак сари" хусусий корхонаси раҳбари, Наманган туманида яшовчи Камолиддин Ўрманов, пойтахтлик тадбиркорлар — "Акбар мобайл" МЧЖ раҳбари Шерзод Ваҳобов ва шу жамият бош ҳисобчиси Шукрулло Баҳодиров билан жиноий тил бириктириб, Ҳаққулобод шаҳар, Беруний кўчасида аҳолининг пластик карточкаларидаги пулларидан 10 фоизини олиб қолган ҳолда нақдлаштириш мақсадида савдо терминаллари билан жиҳозланган хона ташкил этишди. Тайинки, улар бу эгри иш ортидан анчагина даромад ҳам кўришди. "Кўр кўрни қоронғуда топибди", деганларидек, жиноий гуруҳ аъзоларининг яшаш манзиллари бир-биридан узоқда бўлса-да, уларни бир мақсад бирлаштирган эди. Қолаверса, "Пластигимдаги пулни нақдлаштириб беринг, илтимос!", дея ўз оёғи билан келувчилар сони ҳам кундан-кунга кўпайиб борарди.

Қайд этиш жоизки, давлатимиз раҳбарининг "Банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ, ҳар бир савдо шохобчаси, дорихона ва ошхоналарда, албатта, пластик карточкалар билан савдо қилувчи терминаллар бўлиши шарт. Афсуски, айрим юртдошларимиз ана шу ҳуқуқларини талаб қилиш ўрнига, ўз манфаати йўлида ҳар қандай эгриликдан ҳам тоймайдиган юқоридаги кимсалар тегирмонига сув қуйиб, пешона тери эвазига топган иш ҳақларининг маълум фоизини уларнинг қўлларига тутқазиб кетадилар.

Ушбу уюшган гуруҳ аъзолари юртдошларимизнинг ана шу соддалигидан керагича фойдаланишга уринадилар. Улар "Азамат келажак сари" хусусий корхонасининг чакана савдо картаси орқали 25 млн. 573 минг сўм, "Моҳина паймент" хусусий корхонасидан 24 млн. 217 минг 200 сўм, "Акбар мобайл" МЧЖ орқали 25 млн. 314 минг 400 сўм, "Норингазсувмонтаж" МЧЖ орқали 24 млн. 370 минг 600 сўм ҳамда яна 6 та хўжалик юритувчи субъектлар орқали 40 млн. 356 минг 700 сўм, жами 139 млн. 831 минг 800 сўм пулларни нақдлаштириб, бундан 13 млн. 983 минг 200 сўм назорат қилинмайдиган фойда олиб, савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларини бузадилар.

Ҳар қандай қинғирликнинг ҳам ўз интихоси бўлади. Шу маънода, бели оғримай пул топаётган бу кимсаларнинг иши орқасига кетди, қилмишлари ошкор бўлиб, уларга нисбатан жиноят иши қўзғатилди. Қолаверса, суд ҳукмига кўра жиноий жавобгарликка тортилишди.

# Сохта ишбилармонлар

*Юртимиз иқтисодиётининг ривожланишида кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг ўз ўрни бор. Уларнинг самарали меҳнати эвазига бозорларимиз турли-туман маҳсулотлар билан кундан-кунга тўлиб бормоқда. Шу боис, тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш ва улар фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида Президентимизнинг ташаббуси билан қатор Фармон ва қарорлар қабул қилинди ҳамда тадбиркорликни ривожлантиришнинг жаҳон стандартларига мос ҳуқуқий асослари яратилди.*

**Ахатхон ВАФОЕВ,**
СВОЖЖДЛҚК департаментининг Сирдарё туман бўлими катта суриштирувчиси

Бугунги кунда ҳам ўзларига, ҳам юртга, ҳам давлатга наф келтираётган тадбиркорларнинг сони кун сайин ортиб бормоқда. Бироқ виждонан ишлаб келаётган ана шундай тадбиркорлар билан бирга, тадбиркорликнинг моҳиятини тушунмаган, давлат томонидан берилган имкониятлардан тўғри фойдаланмай, фақат ўз манфаатини ўйлаётганлар ҳам учраб турибди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг Сирдарё туман бўлими томонидан қонуний тадбиркорлар орасида соғлом рақобат муҳитини бузиб келаётган сохта тадбиркорларни аниқлаш ҳамда уларнинг фаолиятига барҳам бериш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди.

Ана шундай "тадбиркорлик"нинг бошини тутганлардан бири О.Дўсматов экан. Унинг ўзбошимчалик билан электр тармоғига уланиб, қўлбола мойжувоз ускунасида пахта чигитидан ёғ ишлаб чиқариш учун ноқонуний равишда ўз хонадонида цех ташкил қилиб, "ишлаб чиқариш" билан шуғулланаётганлиги аниқланган. Ундан умумий қиймати 1 млн. 600 минг сўмлик мойжувоз ускунаси, электрокабел, электр автомат, 130 кг. кунжара, 110 кг. пахта чигити, 105 литр пахта ёғи ва бошқа маҳсулотлар ашёвий далил сифатида олиб қўйилди. Маълум бўлишича, у ноқонуний фаолияти билан туман электр тармоқлари корхонасига 375,8 минг сўмлик зарар етказган экан.

Сирдарё шаҳрида яшовчи фуқаро М.Қосимованинг ҳам ўз уйида ноқонуний равишда қўлбола мойжувоз ускунасида пахта чигитидан ёғ ишлаб чиқариш цехи ташкил қилганлиги аниқланиб, тадбир жараёнида ундан жами 658 минг сўмлик қўлбола мойжувоз ускунаси, 200 кг. кунжара маҳсулоти, 90 кг. пахта чигити ва бошқа маҳсулотлар ашёвий далил сифатида олинди.

Осон даромад топиш илинжида бўлганлардан яна бири фуқаро Г.Саидмуродова бўлиб, у ўз уйида инсон саломатлиги ва хавфсизлигига жавоб бермайдиган пахта ёғини ишлаб чиқариш билан шуғулланган. Ўтказилган тадбир жараёнида унинг уйидан жами 1 млн. 428 минг сўмлик сифатсиз пахта ёғи ва бошқа маҳсулотлар ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Юқоридаги ҳар учала ҳолат бўйича сохта тадбиркорларга нисбатан жазонинг муқаррарлиги таъминланади. Шу билан бу масала ўз ечимини топгандай кўринади. Аммо сохта ишбилармонлар томонидан ишлаб чиқарилиб ва сотилган сифатсиз маҳсулотларни истеъмол қилган кишиларнинг соғлиғига зарар етмаслигига ҳеч ким кафолат беролмайди-ку!

# Қалбаки диплом фош бўлди

**Олимжон ТОШЕВ,**
СВОЖЖДЛҚК департаментининг Конимех туман бўлими инспектори

*Мактаб — муқаддас даргоҳ, ўқитувчилик — шарафли касб. Мактабда таълим-тарбия олган ёшлар катта ҳаёта қалам қўйиб, илк муваффақиятларга эришгач, албатта, таълим-тарбия берган устоз-мураббийларини эслайдилар, панд-насиҳатларини ва дарсу сабоқларини ёдга оладилар. Шунинг баробарида, ўқитувчидан ҳам устоз, мураббий, деган номга лойиқ бўлиш талаб этилади, буни ҳеч ким инкор этмаса керак.*

Аммо ўқитувчининг мутахассислигини тасдиқловчи ҳужжати — "диплом"и қалбаки бўлса-чи, уни "устоз" деб атаб бўладими?

Воқеамиз "қаҳрамони" шундай "устоз"лардан бўлиб чиқди.

Навоий вилоятининг Конимех туманида туғилган Ойгул Эрбаева (исм-фамилияси ўзгартирилган) ўрта мактабни тамомлагач, олий маълумотли ўқитувчи бўлишни орзу қилди. Орзуга айб йўқ, албатта, бироқ у дипломни олий ўқув юртига ўқишга кириб эмас, балки сотиб олиб, ўз мақсадига эришмоқчи бўлди. У мақсадига эришди ҳам. Ойгул Навоий Давлат педагогика институтининг "Миллий истиқлол ғояси, ҳуқуқ ва маънавият асослари" фани ўқитувчиси мутахассислигини тамомлаш у ёқда турсин, "эшиги қаерда эканини" ҳам билмасди. Омади келиб, мазкур институтни тамомлаганлиги тўғрисида қалбаки диплом сотиб олди ва нақд уч йил ўқитувчилик қилди. Устигаустак ўқувчиларга "Миллий истиқлол ғояси, ҳуқуқ ва маънавият асослари" фанидан дарс бериб келганига нима дейсиз?!

"Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам ошкор бўлади", деган нақл Ойгулга ўхшаган калта ўйлайдиганларга қарата айтилган бўлса керак. Департаментнинг Конимех туман бўлими томонидан олиб борилган тадбир давомида сохта дипломли "устоз"нинг қилмиши фош этилди. Суднинг ҳукмига асосан О.Эрбаева тегишли жазосини олди.

*2006-2008 йилларда юртимизда Россия Федерациясининг Ростов вилоятида жойлашган Жанубий Россия Давлат иқтисодиёт ва сервис университетининг ваколатхонаси фаолият олиб борган. Ушбу ташкилотнинг вазифаси илм даргоҳи ҳақида ўзбекистонлик ёшларга тушунтиришлар бериш ҳамда мазкур университетга ўқишга кириш нияти бўлганларга ёрдам беришдан иборат эди.*

# Уч МЧЖ найранглари

**Азизбек ХАЛМУРЗАЕВ,**
СВОЖЖДЛҚК департаментининг Ҳамза туман бўлими катта инспектори

Ваколатхона 2008 йилда фаолиятини тугатгандан сўнг, унинг бир гуруҳ ходимлари олдиндан жиноий тил бириктириб, фирибгарлик қилиш мақсадида Тошкент шаҳрида "Таълим ва тараққиёт", "Тафаккур консалтинг" ҳамда "Фарҳод консулт" масъулияти чекланган жамиятларини ташкил этдилар. Ушбу уч МЧЖнинг раҳбарлари Фозил Зарипов (исм-фамилиялар ўзгартирилган), Салим Ўтаев ва Жасур Назировлар республикамизда лицензия олиш шарт бўлган фаолият тури билан ҳеч қандай ҳужжатсиз шуғулланиб келишади. Яъни нодавлат таълим муассасаси сифатида рухсатномага эга бўлмасдан, ноқонуний иш юритишади. Бир гуруҳга бирлашган фирибгарлар ўзларининг манфаатларини кўзлаб, ноқонуний даромад олиш учун гўё, абитуриентларни Жанубий Россия Давлат иқтисодиёт ва сервис университетининг масофадан ўқитиш факультетига ўқишга киритиб, уларнинг қишки-ёзги имтиҳонлардан муваффақиятли ўтишлари, курс ишлари қониқарли, деб баҳоланишини таъминлаш ҳамда диплом ишини ҳимоя қилишлари учун турли миқдордаги пул маблағларини пора тариқасида олиб келишади.

2012 йилнинг 2 ноябрь куни фуқаро Жавлон Ғаниевдан СВОЖЖДЛҚК департаментининг Ҳамза туман бўлимига ариза келиб тушади. Унда ёзилишича, МЧЖ раҳбарлари фуқаро Ж.Ғаниевдан диплом иши ҳимояси учун 1500 АҚШ доллари талаб қилиб олган эканлар. Бўлим ходимлари томонидан олиб борилган тергов-суриштирув жараёнида фирибгарларнинг қилмишлари ошкор бўлди.

Ф.Зарипов, С.Ўтаев ва Ж.Назировларнинг қилмишларини кўриб чиққан жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман суди уларга тегишли жазо тайинлаб, ҳукм чиқарди.

Ушбу воқеадан кўриниб турибдики, таълим олиб, дипломга эга бўлишда фуқароларимиздан ҳушёрлик талаб этилади. Айниқса, нодавлат таълим муассасаларида ўқишдан олдин, мазкур илм даргоҳи ҳақида керакли маълумотга эга бўлишни доимо ёдингизга тутинг.

# Пичоқ кўтарган ошиқ

**Дилрабо МАМАРАСУЛОВА,**
Андижон вилоят прокуратураси бўлим прокурори

Ота-онанинг, катталарнинг розилиги билан бўлган иш доим хайрли бўлади. Айниқса, оила қуриш бобида кўпнинг маслаҳати билан кенгашган маъқул. Бу борада ўз билганича йўл тутган Фарида (исм-фамилиялар ўзгартириб берилмоқда) бир бора рўзғори бузилиб, ичида гумонаси билан ота уйига қайтди. Вақтсоати етиб кўзмунчоқдай ўғил туққани ҳам унга татимади. Ўзида ҳам айб бор, "болам, оғирроқ бўл, арзимаган нарсага ловуллайверма, турмушнинг ўнқир-чўнқирига чида", деб ота-онаси неча бор насиҳат қилмасин, гулдай рўзғорини тиклашга интилмади. Орада эрининг ўзи неча бор ярашишни таклиф қилди, ёши улуғ катталарни ўртага солди, Фарида қайсарлик қилиб унамади. Вақт ўтиб, нега ўшанда эримга эргашиб кетавермадим, деб неча бор афсусланди, эри уйланганида эса ёниб-куйди...

Фарида ёш гўдагини онасига ташлади-ю, бор аламини ишдан олди. Балиқчида юрса, ҳар қадамда эри қундоши билан етаклашиб олдидан чиқиб қоладигандай туюлаверди. Бу орада таниши Райҳона акаси Қозоғистонда деҳқончилик қилаётганини, чопиқ ишларига, ошпазликка одам қидираётганини айтиб қолди. "Хоҳласанг, акамга айтиб қўяман, яхшигина пул ишлаб келардинг".

Кўп ўтмай Фарида "она, мен четда ишлаб келаман", деб уч ёшга тўлиб-тўлмаган гўдагини олди-ю, Райҳона билан Қозоғистоннинг Чимкент вилоятига жўнаб кетди.

Райҳонанинг акаси Ихтиёр бу ерга анча ўрнашиб олганлардан экан. Ижарага ер олиб, деҳқончилик билан шуғулланадиган бу чапдаст йигит эрта баҳордан Балиқчидан бир неча кишиларни ишлашга ёллаб олиб кетар экан.

Оёқ-қўли чаққон Фарида Ихтиёрнинг назаридан четда қолмади. Унинг боши очиқлигини эшитгач, очиқдан-очиқ "хужумга" ўтди. Аёл киши бир оғиз яхши сўзнинг гадоси. Дили яраланган Фаридага Ихтиёрнинг изҳорлари хуш ёқди. Қолаверса, унинг ҳам бахтли бўлишга ҳаққи бор-ку! Шу тахлит мусофирчиликда улар норасмий оила бўлиб яшай бошлашди.

Бироқ пешона қурсин. Бахтинг бир юришмаса, шу экан. Ихтиёрнинг "бисоти"даги ширин гаплар тугаб, асл қиёфаси намоён бўлганида, у афсусланди. Назарида, у икки хил қиёфадаги инсон билан яшаётгандай эди. Чўрткесарлиги, таваккалчилиги билан мўмай даромад топган кунлари "очилиб ўтирганини" айтмаса, Ихтиёрнинг ўзи билан тузук-қуруқ гаплашиб ўтирганини эслай олмайди.

Ўзбекистонга қайтишганида Ихтиёр оила қуриш истагида эканлигини Фариданинг онасига айтди. Бўлиб ўтган суҳбат жараёнида Ихтиёрдан маъқули фикр, мақсад-муддаони эшитмаган она дунёнинг дийдиёсини қилди, аммо қизини қайтара олмади. Онасининг норозилигига қарамай, Фарида уйидан қочиб кетиб, Ихтиёр билан шаръий никоҳ ўқитиб, яшай бошлади.

Бир ой ўтар-ўтмас, жанжал туфайли Фарида онасиникига қайтди.

— Она, мени кечиринг... Одамнинг оласи ичида экан, билмапман.

— Эрингни оласи ташқида, шундоқ кўриниб турибди-ку, каззоблиги, — она қизининг қисматидан куйиб, уни бағрига босди.

Фаридани қайтариш мақсадида телефон орқали кунига 10-15 марта гаплашган Ихтиёрнинг уринишлари бекор кетди. Бошида ялинди, ёлворди. Кейин росмана зуғумга ўтди:

— Хў-ў, хотин, ман билан пачакилашма, бугун кечқурун уйда бўлмасанг, ўзингдан кўр!

— Сиз билан яшолмайман, дўппослашларингиз жонимга тегди.

— Эр деган уради, сўкади. Мусофир юртда товоғимни ялаб юрувдинг-ку!

— Э-э, яшамайман сиз билан. Қўлингиздан келганини қилинг!

— Бирга яшамасанг, сени ва оилангни ўлдираман, — важоҳат билан бақирди Ихтиёр.

Бундай совуқ суҳбатлар кўп марта такрорланди.

"Бошқа билан юрганимни эшитса, балки бас қилар", деган мақсадда Фариданинг ўйлаб топган найранги бошига бало бўлди.

— Ўзимга бошқа йигит топдим, сиз билан яшамайман, — деб телефонини ўчириб қўйди бир сафар. Бу гапдан тепа сочи тикка бўлган Ихтиёр кетма-кет Фариданинг рақамини терди. Лекин унинг телефон рақами ўчирилган эди.

2013 йил 29 май куни бўлган гаплар эса Ихтиёрни қуюшқондан чиқариб юборди.

— Ҳа, телефонингни ўчириб олибсан, — деб Ихтиёр тез-тез гапира бошлади.

— Қанақа ғурури йўқ, одамсан-а! Сенга айтдим-у, бошқа йигитим бор, сен билан яшамайман, деб. Бўлди-да, энди! Мана, ишонмасанг, ҳозир уни бағрида ўтирибман.

Нариги тарафдан эркак кишининг хунук хиринглагани эшитила бошлади.

— Ярамас!

— Ишондингми, энди! Бас қиларсан, елимдек ёпишишни!

— Ўлдираман!



Ихтиёр ғазабини босиш мақсадида дўкондан спиртли ичимлик олиб ичди. Ҳовури босилиш ўрнига, ичига кирган "олов" унга ғайрат қўшгандай бўлди.

Қоронғу тушиши билан уйидан чопқи ва пичоқларни олиб, Фарида яшайдиган Балиқчи туманидаги маҳалла сари йўл олди. "Худди шу йўлдан қайтади", дея Ихтиёр рўпарадаги азим тут дарахтининг тагига қулайроқ ўрнашиб олди-да, қоронғуликка тикилганича Фаридани кута бошлади. "Чиндан ҳам бошқасини топдимикан? Балки ўйин қилаётгандир? Майли, келсин-чи, масалага аниқлик киритаман. Мабодо, айтганлари тўғри бўлса, ўлдим деяверсин..." Ихтиёр қанча кутди, билмайди. Кўзи илинган экан, эти жунжиқиб уйғониб кетди. Телефонини ёқиб, соатига қаради: "Ўх-хў, беш соат ухлабманми?". У таваккал қилиб яна Фариданинг рақамини терди. Ўчирилган. "Ярамас", қилиб у миясини исканжадек қисиб бораётган хунук ўйларни қувиш мақсадида ўрнидан даст турди. "Ҳаммасига нуқта қўяман!".

Ихтиёр қайнотасининг ҳовлисига мушукдай писиб кирди. Тунинг қоқ ярми эмасми, ҳамма ширин уйқуда. Фарида билан яшай бошлагач, салга аразлаб келаверадиган хотинининг ортидан бу ҳовлига кўп келди. Анави хонада қайниси билан келин яшайди. Манави хонада қайнонаси, бунинси Фариданики.

У эшикни қия очди. Ғижирлаган овоздан биров уйғонмадимикан, деб бўсағада бироз туриб қолди, сўнг ичкарига мўралади. Хона ўртасида ерга тўшалган ўринда икки киши ётибди: бири Фарида, иккинчиси унинг арзандаси.

Бир қўлида чопқи, бирида пичоқ тутган ширакайф ошиқ хона ўртасига келиб, аввал гўдакнинг дуч келган ерига пичоқ суқа бошлади. "Дада, дада" — гўдакнинг ингроқ овози жаҳл жиловини тутган ўгай отадан сўнгги бор нажот кутгандай жимиб қолди. Ухлаб ётган неварасининг инграган овозидан уйғониб кетган Фотима хола куёвининг тепасида пичоқ ва чопқи кўтариб олганини кўриб хуши бошидан учди, нима деб бақирганини эсида йўқ, кейин бошига, бўйнига келиб тушаётган зарбалардан ўзини йўқотди.

Қўшни хонадаги келин шовқин-сурондан уйғониб, қайнонаси ётган уй деразасидан қаради. Қаради-ю, мудҳиш манзарадан додлаб юборди. Чироқни ёқиб, бор овози билан ёрдам сўраб бақира бошлади...

Ихтиёр келиннинг уйғонганини кўриб, "лаш-луш"ларини йиғиштирганча воқеа жойидан ғойиб бўлди.

Мурғаккина гўдакнинг умрига завол бўлган, қайнонасига оғир тан жароҳатлари етказган Ихтиёр Қўчқоровга жиноят ишлари бўйича Андижон вилоят суди Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддаларини қўллаб, 18 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинланди.

Оила — муқаддас даргоҳ. Унинг мустаҳкамлигига эр ҳам, хотин ҳам баробар масъулиятли. Калтафаҳмлик, енгилтаклик, риё, хиёнат уни рахна солар экан, бу қароргоҳ нураб боришини эсдан чиқармайлик.

# Қайтмасдан қайтганларнинг изтироблари

**Баҳодир ШЕРАЛИЕВ,**
Касби туман прокурори

***"Сизлар Қозоғистонга ноқонуний равишда келгансизлар, норасмий яшаб ва ишлаб юрибсизлар, деб тўрталамизни Қозоғистон милицияси қамаб қўйди. Бизни алдаб ишлатган Зайнобиддин Тилаков икки ой мобайнида ишлаган ҳақимизни бермади. Фуқаролик паспортимизни олиб, Қазибек исмли қозоқ фуқаросига топширди. У ерда кўп азобларни кўрдик..." (Жабрланувчи Самар Зуваковнинг судда берган кўрсатмасидан).***



"2012 йил 9 март куни эрталаб соат 8:00ларда Зайнобиддин мени, Дониёр Нарзиевни, Козим Мардонов ва Ғайрат Эшниёзовни қозоқ фуқароси Аби акага 50 минг қозоқ тангаси эвазига сотиб юборган экан. Аби ака бизни Чимкент вилоятидаги Самал-3 туманига олиб бориб, бир неча ой мобайнида иш ҳақимизни бермасдан ишлатди. Зайнобиддин "Олдиларингизга бориб, ўзим сизларни Ўзбекистонга олиб чиқиб кетаман", деган бўлса-да, келмади". (Жабрланувчи Тўра Раимқуловнинг судда берган кўрсатмасидан).

Шунингдек, жабрланувчиларнинг судда берган кўрсатмасида: "Аби ака сизларни Зайнобиддиндан сотиб олганман, деди", "Зайнобиддин 4 нафар қозоқ фуқароси билан келиб, Дониёр Нарзиевни урди", "Зайнобиддин иш ҳақимизни Қазибекдан олиб бера олмади", деган дарду ҳасратга тўла гаплар такрор ва такрор айтилади.

Дастлабки терговлар ва суд жараёнида исми бунча кўп тилга олинган кимса ким ўзи? Нима учун Зайнобиддин деган бу шахс одамларни ёллаб ишлатади, уларни уради ва ҳатто сотиб юборади? Зайнобиддиннинг бундай ишга қўл уришдан мақсади нима?

Ҳамма нарса мақсадга бориб тақалади. Шу сабабли воқеага ойдинлик киритишни охирги саволдан бошлаганимиз маъқул. Аммо ўз мақсадининг эзгуликка ёки ёвузликка хизмат қилиши ҳаммадан кўра мақсад эгасининг ўзига аён. Демак, буни аввало, судланувчи Зайнобиддин Тилаковнинг ўзидан эшитганимиз мақсадга мувофиқдир:

"Касби туманининг Майманоқ қишлоғида яшовчи фуқароларни Қозоғистонга ишлаш учун олиб бордим. У ерда иш бор, 2000 куб метр бетон бор, шуни қуйиш керак, дедим. Бир кубометр бетон учун 2 минг қозоқ тангаси миқдорида иш ҳақи беришни, у ерда ётиш-туриш, барча шароитлар бепул бўлишини ваъда қилиб, 2012 йил 7 март куни Козим Мардоновни, унинг акаси Дониёр Нарзиевни, Тўра Раимқулов, Ғайрат Эшниёзов, Эркин Санақулов, Сирож Зуваков, Рустам Файзиев, Самар Зуваков ва бошқаларни олиб кетдим".

Йўқ, бу гаплардан ҳали Зайнобиддиннинг асл мақсадини англаш қийин. Жиноятга қўл урган киши айбини яшириш, имкони бўлса, уни тан олмаслик, ҳеч бўлмаганда қилган гуноҳини енгиллатиш мақсадида турли "далиллар" келтиришга, важ кўрсатишга ҳаракат қилади. Асл ҳақиқат эса тергов ва суд жараёнида, тўпланган аниқ далиллар ҳамда рад қилиб бўлмас кўрсатмалар воситасида очилади.

Судланувчи Зайнобиддин Тилаков ҳам рад этиб бўлмас далиллар қаршисида ожиз қолди. Қилмишларини ўз оғзи билан айтишга мажбур бўлди. Айбини тўлиқ бўйнига олди. У 2012 йил 8 март куни алдовига учган бир гуруҳ майманоқлик фуқаролар билан Тошкент шаҳрига етиб борди. Чегара пости орқали Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан Қозоғистоннинг Чимкент шаҳрига ўтиб олишди. Бу шаҳарда унинг (терговда аниқлаш имкони бўлмаган) Ақилбек, Қазибек, Суннат исмли танишлари бўлиб, ёлланма ишчи кучи олиб келиш юзасидан улар билан аввалдан келишиб олган эди.

Хорижда уларни Суннат кутиб олди. Зайнобиддин майманоқлик фуқароларни ана шу танишининг қўлига топшириб, жияни Ҳусан Ҳасанов билан бирга ўзи ишлайдиган жойга қайтиб кетади. Қишлоқдошлар кўримсиз ва зах бир хонада устидан қулф урилган эшик ортида қоладилар. Эртаси куни қор ёғиб тургани сабабли бетон қориш ишлари вақтинча қолдирилади. Суннат ёлланганлардан тўрт кишини шлакоблок қуйиш учун Чимкент шаҳри яқинидаги Қайтмас қишлоғига олиб кетади.

Шлакоблок қуйиш қўлидан келмаслигини айтган 5 нафар ёлланганларни эса Қазибек ишлатиш учун ўз уйига олиб боради. Улар Қазибек яшайдиган бинонинг ички қисмини таъмирлашга киришадилар.

Мусофирчиликда яшаш осон эмас, бунинг устига оғир шароитда ишлаш ҳаётни янада қийинлаштиради. Шунга қарамай қишлоқдошлар бошга тушганини кўз кўради, дея ишга киришиб кетадилар. Чунки қадрдон юрт, ота-она, ёру биродарлар барчаси энди узоқда. Ноқонуний йўл билан ўзга мамлакатда яшашга ва ишлашга мажбур бўлган бу кишилар додини кимга айтсин?

Бу ҳақда жабрланувчи Д.Нарзиев шундай дейди: "Оилавий шароитим оғир бўлганлиги учун унинг таклифига рози бўлдим. Чимкент вилоятининг Самал-3 туманида ишладик. 16 кундан кейин Ақилбек бизни Қайтмас-1 туманига олиб борди. "Қўрқмасдан ишлайверинглар, иш ҳақларингни олиб бераман", деб алдаб, бу ерда 14 кун ишлатганидан сўнг 2012 йил 11 апрель куни тўрт нафар қозоқ фуқароси билан келган Зайнобиддин мени уриб, ҳеч кимга даъвоим йўқлиги ҳақида тилхат ёздириб олди. 12 апрель куни кеч соат учларда Телман туманида яшовчи бир танишимникига қочиб бордик. У ерда иш топиб, бироз пул ишлаб, вақтинчалик гувоҳнома билан Ўзбекистонга қайтдик. Фуқаролик паспортларимиз қозоқ фуқароси Ақилбекда қолиб кетди..."

Судланувчи З.Тилаков қишлоқдошларини алдов йўли билан 2012 йил 9 мартдан шу йилнинг 4 майигача ишлатиб, уларнинг меҳнатидан фойдаланади. В.Жўраев, С.Зуваков, С.Зуваков, И.Жўраев ҳамда Р.Файзиевнинг жами 5 минг АҚШ доллари миқдоридаги иш ҳақини беришдан бўйин товлайди. Шунингдек, Д.Нарзиев ва унинг ҳамроҳлари (жами 6 киши) ҳам 2 минг 700 АҚШ долларини Зайнобиддиндан ололмай, сарсону саргардончиликда яшайдилар.

Жиноят ишлари бўйича Касби туман суди 2013 йил 5 февралда Зайнобиддин Тилаковнинг жиноий ишини кўриб чиқди ва жиноят оқибатида етказилган моддий зарар масаласини ҳам муҳокама қилиб, судланувчи З.Тилаковдан жабрланувчи Д.Нарзиев, Р.Файзиев, Э.Санақулов, С.Зуваков ва бошқаларга белгиланган миқдорда пул ундириб бериш юзасидан ҳукм чиқарди.

Суд жараёнида ҳаммаси қонун доирасида ҳал қилинди. Зайнобиддин Тилаковга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди.

## ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!

## Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан 2014 йил 14 январда ўтказиладиган тўғридан-тўғри музокараларни олиб бориш йўли (оммавий оферта) билан сотиладиган давлат улушини сотиб олишга таклиф этади.

Объектни сотиб олиш шартлари қуйидагича:

— энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш;

— ушбу "Улуш" учун энг юқори қўшимча инвестиция киритиш мажбуриятини олиш;

— янги ишчи ўринлари ташкил этиш;

— харид қиймати ва қўшимча инвестиция киритишни қисқа муддатларда (кўпи билан 1 йил муддат ичида) амалга ошириш.

Савдоларда қатнашиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар:

— сотувчининг банк ҳисоб рақамига объект бошланғич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган гаров суммаси;

— таклифлар ва керакли ҳужжатлар солинган ва муҳрланган конвертлар, икки нусхада.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб, йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш шарти юклатилади.

Савдоларда иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш оферта савдосига 3 соат қолганда тўхтатилади.

Музокаралар 2014 йил 14 январь куни соат 16:00да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси 16-"А" уй манзилида ўтказилади. Ушбу куни савдолар бўлмаган тақдирда, 2014 йилнинг 21, 28 январь ва 4, 11 февраль кунлари соат 16:00да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-"А" уй манзилида ўтказилади.

**Мурожаат учун телефонлар:** 233-22-83, 233-74-72

**Оммавий оферта савдоларига чиқарилаётган давлат улуши**

| № | Объект номи | Бино ва иншоотлар майдони (кв.м.) | Объектнинг манзили | Балансда сақловчи | ПК/ВМҚ | Савдога чиқарилган нархи | Инвестиция мажбурияти (млн. сўм) | Инвестиция киритиш муддатлари |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | "Иссиқликқувваттаъмир" МЧЖ | 25 фоиз давлат улуши | Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 53-уй | "Иссиқликқувваттаъмир" МЧЖ | 25.04.2013 ПК-1743 | 1 270 018 215,00 | - энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш; - улуш учун энг юқори қўшимча инвестиция мажбуриятини олиш; - янги иш ўринларини ташкил этиш; - харид қиймати ва қўшимча инвестиция киритишни қисқа муддатларда амалга ошириш (кўпи билан 1 йил муддат ичида) | |

**Хизматлар лицензияланган**

## Диққат! Диққат! Диққат!

## Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!

**Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси Қашқадарё вилоят ҳудудий бошқармаси, "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Қашқадарё вилоят филиали очиқ танлов савдоларига таклиф этади.**

Танлов савдоларига қуйидаги давлат активлари қўйилади:

1. Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз тумани "Қутчи" ҚФЙ, "Қутчи" қишлоғида жойлашган Шаҳрисабз туман "Ободонлаштириш" бошқармасига қарашли бўш турган "Дилфуза" болалар боғчаси бино ва иншоотлари.

Танлов савдоларига қўйилган давлат активининг тавсифи:

— умумий ер майдони 8823,36 кв.м.

— бино ва иншоотларнинг умумий майдони 1062,3 кв.м.

**Бошланғич нархи — 617 540 000 сўм.**

Балансда сақловчи: Шаҳрисабз тумани Низомий кўчаси 41-уйда жойлашган, Шаҳрисабз туман "Ободонлаштириш" бошқармаси.

Фаолият ихтисоси: Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари.

2. Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз тумани "Мўминобод" ҚФЙ, "Хўжабоғ" қишлоғида жойлашган Шаҳрисабз туман "Ободонлаштириш" бошқармасига қарашли "Хўжабоғ" ФАП биноси.

Танлов савдоларига қўйилган давлат активининг тавсифи:

— умумий ер майдони 545,0 кв.м.

— бино ва иншоотларнинг умумий майдони 102,7 кв.м.

**Бошланғич нархи-48 737 000 сўм.**

Балансда сақловчи: Шаҳрисабз тумани Низомий кўчаси 41-уйда жойлашган, Шаҳрисабз туман "Ободонлаштириш" бошқармаси.

Фаолият ихтисоси: Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари.

Савдо ташкилотчиси: "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Қашқадарё вилояти филиали, Қарши шаҳри Қарлиқхона МФЙ, "Тошсарой" (собиқ М.Абдуллаева) кўчаси 20-уй. Телефон: (8-375) 225-44-58. Веб-сайт; www.1kms.uz. Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Лицензия: RR 0001.

Танлов савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб, 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар "Давлат активи" бошланғич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан Савдо ташкилотчиси "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Қашқадарё вилояти филиалининг қуйидаги банк реквизитларига закалат пулини тўлашлари лозим: АТИБ "Ипотека" банк Қашқадарё вилоят филиали, 20208000004920609009, МФО: 00190, СТИР: 207122519

Танловда қатнашишга буюртманома қабул қилиш билдиришнома эълон қилинган санадан бошланади ва билдиришномада кўрсатилган конвертларни очиш санаси куни уч соат олдин тамом бўлади.

Инвестиция мажбуриятларининг ва бошқа мажбуриятларнинг энг кам ҳажми:

— энг юқори сотиб олиш тўловини таклиф этиш;

— энг юқори миқдорда инвестиция киритиш мажбуриятини олиш;

— сотиб олиш қиймати ва инвестиция киритишни қисқа муддатларда амалга ошириш:

— янги иш ўринларни ташкил этиш мажбуриятини олиш.

Қўшимча юкламалар тўғрисида маълумотлар: Мавжуд эмас.

Талабгорларнинг таклифлари билдирилган конвертлари 2014 йил 14 январь куни соат 11:00да Давлат рақобат қўмитасининг Қашқадарё вилоят ҳудудий бошқармаси мажлислар залида (3-қават)да бўлиб ўтади.

Танлов савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2014 йил 30 январь, 14 февраль ва 3 март кунлари 11:00да бўлиб ўтади.

Танлов ҳужжатларини ва қўшимча маълумотларни олиш мумкин бўлган манзил: Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри Қарлиқхона МФЙ, "Тошсарой" (собиқ М.Абдуллаева) кўчаси 20-уй, "Qashqadaryo Mulk markazi" МЧЖ биноси.

Танлов ҳужжатлари талабгорларга уни олиш пайтида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 2 (икки) баробари миқдоридаги тўлов эвазига берилади.

Танлов ҳужжатларига тўловни тўлаш учун банк реквизитлари: "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Қашқадарё вилояти филиалининг АТИБ "Ипотека" банк Қашқадарё вилоят филиали, 20208000004920609009, МФО: 00190, СТИР: 207122519.

Танловда қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда чопар ёки почта орқали қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда танловда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек тўлиқ ваколатли вакилнинг танловда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, тўлиқ ваколатли вакил танловда қатнашган тақдирда, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

танлов тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

танлов ҳужжатларига мувофиқ тузилган ва қуйидагиларни ўз ичига оладиган икки нусхадаги оғзи ёпиштирилган конвертларга солинган танлов таклифлари:

сотиб олиш тўловларининг таклиф этилаётган суммаси ва уларни тўлаш муддати;

инвестиция мажбуриятларининг таклиф этилаётган суммаси, уларни тўлаш шакли, муддати ва шартлари;

агар бу танлов шартларида белгиланган бўлса, қўшимча равишда талабгорнинг молиявий мустақиллигини ва (ёки) тегишли тармоққа олдин амалга оширилган инвестиция лойиҳаларини тасдиқлайдиган ҳужжатлар киритилиши мумкин.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак. Танлов таклифларининг амал қилиш муддати танлов ҳужжатларида белгиланади.

**Мурожаат учун манзил:** Қарши шаҳри Қарлиқхона МФЙ, "Тошсарой" (собиқ М.Абдуллаева) кўчаси 20-уй.

**Маълумотлар учун телефон:** (8-375) 225-44-58. Факс: (8-375) 225-44-58.

**Электрон почта:** rieltsavdo@inbox.uz. Интернет тармоғидаги веб-сайт; www.1kms.uz, www.gki.uz, www.gkitorg.uz.

Ҳурматли тадбиркор ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жарёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда, Давлат рақобат қўмитасининг (8-371) 259-21-37 рақамли "Ишонч телефони"га зудлик билан хабар беришингиз сўралади!

**Савдоларга марҳамат қилинг!**

**Хизматлар лицензияланган**

## Диққат! Диққат! Диққат!

## Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!

**Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси Сирдарё вилоят ҳудудий бошқармаси, "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Сирдарё вилоят филиали бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

Аукцион савдоларига қуйидаги давлат активлари қўйилади:

I. Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳар, Беруний кўчаси 74-уйда жойлашган "Гулистон нефт база" УКга қарашли эски "Гулистон нефт база".

Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи ва шартлари:

— умумий ер майдони 21 302,17 кв.м.

— бино ва иншоотларнинг эгаллаган ер майдони 9 116,33 кв.м.

— сотиб олиш қийматини қисқа муддатларда амалга ошириш.

Балансда сақловчи: Сирдарё вилояти, Сайхунобод тумани, Ёшлик қўрғонида жойлашган "Гулистон нефт база" унитар корхонаси.

Фаолият ихтисоси: Ёқилғи маҳсулотларни сақлаш ва тарқатиш.

**Бошланғич нархи — 2 061 879 293 сўм.**

II. Сирдарё вилояти, Сардоба тумани, Пахтаобод шаҳарчаси, Саноат ҳудудида жойлашган "Гулистон нефт база" УКга қарашли "10-сонли АЁКШ" биноси.

Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи ва шартлари:

— умумий ер майдони 1 706,51 кв.м.

— бино ва иншоотларнинг эгаллаган ер майдони 16,64 кв.м.

— сотиб олиш қийматини қисқа муддатларда амалга ошириш.

**Бошланғич нархи — 159 178 220 сўм.**

Балансда сақловчи: Сирдарё вилояти, Сайхунобод тумани, Ёшлик қўрғонида жойлашган "Гулистон нефт база" унитар корхонаси.

Фаолият ихтисоси: Ёқилғи маҳсулотларни сақлаш ва тарқатиш.

Савдо ташкилотчиси: "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Сирдарё вилояти филиали, Гулистон шаҳар, "Бизнес маркази" биноси 58-хона. Тел: (8-367) 226-38-91. Веб-сайт; www.1kms.uz. Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Лицензия: RR 0001.

**Аукцион савдоси 2014 йил 14 январь куни соат 10:00да Гулистон шаҳар, "Бизнес маркази" биносининг мажлислар залида ўтказилади.**

Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2014 йил 21, 28 январь ва 4 февраль кунлари соат 10:00да бўлиб ўтади.

Аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб, 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар "Давлат активи" бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан Савдо ташкилотчиси "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Сирдарё вилояти филиалининг қуйидаги банк реквизитларига закалат пулини тўлашлари лозим: ДАТ (ОАЖ) "Асака" банки Сирдарё филиалидаги қўйидаги 20208000904920609006, МФО: 00373, СТИР: 207122519.

Аукционда қатнашишга буюртманома қабул қилиш билдиришнома эълон қилинган санадан бошланади ва билдиришномада кўрсатилган аукцион савдоси ўтказиладиган куни савдо бошланишидан уч соат олдин тамом бўлади.

Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

— юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; — жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; — аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

**Мурожаат учун манзил:** Гулистон шаҳар, "Бизнес маркази" биноси, 58-хона.

**Маълумотлар учун телефон:** (8-367) 226-38-91. Факс: (8-367) 226-38-91.

**Электрон почта:** rieltsavdo@inbox.uz. Интернет тармоғидаги веб-сайт: www.1kms.uz, www.gki.uz, www.gkitorg.uz.

Ҳурматли тадбиркор ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жарёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда, Давлат рақобат қўмитасининг (8-371) 259-21-37 рақамли "Ишонч телефони"га зудлик билан хабар беришингиз сўралади!

**Савдоларга марҳамат қилинг!**

**Хизматлар лицензияланган**

## Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси Жиззах вилоят ҳудудий бошқармаси тўғридан-тўғри музокаралар олиб бориш йўли билан ўтказиладиган оммавий оферта савдоларига таклиф этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 31 майдаги 154-сонли ва 156-сонли қарорларига асосан сотилиши белгиланган давлат активлари, "Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 21 июлдаги 145-сонли қарори билан тасдиқланган Низом ва 2009 йил 29 январдаги 27-сонли қарорининг 2-иловаси билан тасдиқланган Низомларига мувофиқ оммавий оферта савдосига чиқарилмоқда.

Сотиш таклиф қилинаётган давлат активининг номи, сони, тавсифи ва давлат активи жойлашган жойи:

**1. Ғаллаорол тумани Гулистон ҚФЙ Шерқонгли қишлоғида жойлашган 46-сонли мактабнинг шийпон биноси:**

— объектнинг бошланғич баҳоси 37 495 200 (ўттиз етти миллион тўрт юз тўқсон беш минг икки юз) сўм, сотиб олиш тўловини ва маиший хизмат кўрсатиш шарти билан 10,0 (ўн) миллион сўмдан кам бўлмаган миқдорда қўшимча инвестиция киритиш мажбуриятини таклиф этиш;

— умумий ер майдони 741,0 кв.м.

— бино ва иншоотларнинг эгаллаган ер майдони 316,8 кв.м:

**2. Жиззах шаҳар Сайхан маҳалласи ҳудудида жойлашган Жиззах шаҳар ҳокимлигига қарашли 19-сонли "Ситора" болалар боғчаси филиали биноси:**

— объектнинг бошланғич баҳоси 346 620 700 (уч юз қирқ олти миллион олти юз йигирма минг етти юз) сўм, сотиб олиш тўлови ва объектнинг болалар боғчаси сифатида фаолият юритиши бўйича 25 (йигирма беш) млн. сўмдан кам бўлмаган миқдорда қўшимча инвестиция киритиш мажбуриятини таклиф этиш;

— умумий ер майдони 6962,52 кв.м.

— бино ва иншоотларнинг эгаллаган ер майдони 2545,45 кв.м:

**3. Ғаллаорол туман ҳокимлигига қарашли "Ғаллаорол улгуржи база"нинг бино ва иншоотлари:**

— объектнинг бошланғич баҳоси 2 855 340 000 (икки миллиард саккиз юз эллик беш миллион уч юз қирқ минг) сўмдан кам бўлмаган сотиб олиш баҳосини таклиф этиш ва объектдан ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этиш учун 250 (икки юз эллик миллион) сўм минимал инвестиция киритиш шарти билан сотиш;

— умумий ер майдони — 4630,0 кв.м.

— бино қурилиш ости майдони — 848,24 кв.м:

**Сотувчи:** Давлат рақобат қўмитаси Жиззах вилоят ҳудудий бошқармаси.

**Сотувчининг манзили:** 130100, Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси 63-уй.

**Алоқа телефонлар:** (8 372) 226-25-04, 226-39-31. Факс: 226-57-85

Тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш санаси, вақти ва жойи: музокаралар (оммавий оферта) Давлат рақобат қўмитаси Жиззах вилоят ҳудудий бошқармаси (манзил: Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси 63-уй)да 2013 йил 15 январь 10:00да бўлиб ўтади.

Тўғридан-тўғри музокараларда қатнашиш учун талабгор ёки унинг вакили эълонда белгиланган муддатларда шахсан ўзи ёки почта орқали қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

— юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек ваколатли вакилнинг қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

— жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

— Сотувчининг банк ҳисоб рақамига савдога қўйилган давлат активи бошланғич нархининг 15 фоизи миқдорида закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси;

— икки нусхадаги ёпиштирилган конвертларга солинган ва қуйидагиларни ўз ичига оладиган талабгор таклифлари;

— сотиб олиш тўловларининг таклиф этилаётган суммаси ва уларни тўлаш муддати;

— инвестиция мажбуриятларининг таклиф этилаётган суммаси, уларни тўлаш шакли, муддати ва шартлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Мазкур давлат активларининг савдога қўйилиши юзасидан аввалги берилган эълонлар бекор деб ҳисобланади.

**Хизматлар лицензияланган**

## «EFFECT REAL GROUP» масъулияти чекланган жамияти барча тадбиркорлик субъектларини, шу жумладан, кичик бизнес вакиллари ҳамда хусусий тадбиркорларни ва жисмоний шахсларни очиқ танлов савдоларига таклиф этади.

Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги "Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга танлов асосида ер участкалари беришни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбиркорлар тўғрисида"ги 147-сонли қарори ва Данғара туман ҳокимининг 02.12.2013 йилдаги 83-ф, 84-ф, ва 86-ф — фармойишларига ҳамда туман ҳокимининг 03.12.2013 йил кунги 430-сонли хатига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкалари доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда.

**1.** Данғара тумани Тайпоқ ҚФЙ Олахамак қишлоғида "Альюмин ва туникадан уй-рўзғор буюмлари ишлаб чиқариш цехи" қуриш учун **2000,0 кв.м.дан ер** майдони. Ер участкасидан фойдаланишнинг минимал қиймати **900 648 сўмни** ташкил этади.

**2.** Данғара тумани Санам ҚФЙ Оқтепа қишлоғида "Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси" биносини қуриш учун **800,0 кв.м.дан ер** майдони. Ер участкасидан фойдаланишнинг минимал қиймати **360 260 сўмни** ташкил этади.

**3.** 3. Данғара тумани Оқжар ҚФЙ Доимобод қишлоғида "Ҳаммом" биносини қуриш учун **1200,0 кв.м.дан ер** майдони. Ер участкасидан фойдаланишнинг минимал қиймати **540 389 сўмни** ташкил этади.

Мажбуриятнинг бошланғич ҳажми Данғара тумани архитектура ва қурилиш бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2014йил 7 январь куни тўхтатилади.

Талабгорларнинг конвертлари Данғара тумани ҳокимлиги биносида 2013 йил 9 январь куни соат 13:00да очилади ва шу куни соат 16:00да мазкур ҳокимлик биносида таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор ғолиб деб топилади.

Ер участкасига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини олиш ва ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини "Савдогарбанк" Фарғона вилоят бўлимидаги МФО: 00500, СТИР: 302128329, 20208000704943278001 ҳисоб рақамига тўлашлари керак.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридаги ҳақ эвазига олади.

Талабгорлар буюртманома билан бирга қуйидаги ҳужжатларни икки нусхада тақдим этади:

— юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— жисмоний шахслар — паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахсларнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхаси, белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— танлов ташкилотчисига закалат тўланганлиги тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха;

— танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса унинг муҳри ва ваколатли шахснинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

**Танлов ҳужжатларини олиш учун савдо ташкилотчисининг манзили: Фарғона шаҳар Аҳмад Фарғоний кўчаси 43-уй 24-хона. Тел. +99895 404 54 84. Қўқон шаҳридаги ваколатхонаси. Қўқон шаҳар Амир Темур кўчаси 24-"а" уй. "Кафолат" суғурта биноси 2-қават 2-хона. Тел. + 99895 404 77 68.**

**Хизматлар лицензияланган**

## «EFFECT REAL GROUP» МЧЖда музокаралар йўли билан ўтказилган савдо якунлари ҳақида

### Билдиришнома

"Effect Real Group" МЧЖда 2013 йил ноябрь ойида бўлиб ўтган музокаралар йўли билан ташкиллаштирилган кўчмас мулк объектлари ва уларга бўлган ҳуқуқлари савдоларида **74 000 000 сўмлик** 2 та ишлаб чиқариш объектлари сотилди.

Сотилган кўчмас мулк объектларининг умумий майдони **7 764,54 кв.м.**ни ташкил этиб, объектларнинг бир кв. метри ўртача сотилиш баҳоси **9 530 сўмни** ташкил этди.

**Хизматлар лицензияланган**

## Аукцион савдолари хабарномаси! «KO'CHAR MULK SAVDO SERVIS» MChJ Buxoro filiali Бухоро шаҳар Мустақиллик кўчаси 10-уй манзилида бўлиб ўтадиган қуйидаги аукцион савдоларига таклиф этади.

**I. 2014 йил 7 январь куни соат 12:00да** Ўзбекистон Халқ Демократик партияси Бухоро вилоят кенгаши билан ҳамкорликда ташкил қилинадиган савдоларга Ўзбекистон Халқ Демократик партияси Бухоро вилоят кенгаши ҳисобидаги қуйидаги автотранспорт воситалари алоҳида ЛОТ тартибида қўйилмоқда: 1-ЛОТ. 1999 йилда и/ч, давлат рақами 80/217 МАА бўлган "TICO" русумли автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси 6 700 000 сўм; 2-ЛОТ. 1999 йилда и/ч, давлат рақами 80/129 QAA булган "TICO" русумли автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси 2 200 000 сўм.

**II. 2014 йил 7 январь куни соат 12:30да** "Амубухороканалқурилиш" очиқ акциядорлик жамиятига қарашли 2-сон кўчма механизациялашган жамланмаси билан ҳамкорликда ташкил қилинадиган савдоларга корхона ҳисобидаги қуйидаги автотранспорт воситалари алоҳида ЛОТ тартибида қўйилмоқда: 1-ЛОТ. 1989 йилда и/ч, давлат рақами 61-16 БГ бўлган "Т-40А" русумли трактори, бошланғич баҳоси 450 000 сўм; 2-ЛОТ. 1991 йилда и/ч, давлат рақами 80/813 КАА бўлган "ЗИЛ-130" русумли автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси 2 100 000 сўм. 3-ЛОТ. 1989 йилда и/ч, давлат рақамисиз бўлган "ЭО-2621 А" русумли экскаватори, бошланғич баҳоси 650 000 сўм.

**III. 2014 йил 7 январь куни соат 14:00да** "Бухороагромашсервистаъминот" ишлаб чиқариш ширкати билан ҳамкорликда ташкил қилинадиган савдоларга ширкат ҳисобидаги бошланғич баҳоси 6 200 000 сўм бўлган, 1999 йилда и/ч, давлат рақами 80/306 ОАА бўлган "TICO" русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

**IV. 2014 йил 7 январь куни соат 14:30да** Вобкент тумани Давлат ветеринария бўлими билан ҳамкорликда ташкил қилинадиган савдоларга корхона ҳисобидаги бошланғич баҳоси 1 500 000 сўм бўлган, 1991 йилда и/ч, давлат рақами 80/060 КАА бўлган "ФОРДЭСКОРТ" русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

**V. 2014 йил 7 январь куни соат 15:00да** Бухоро вилояти "Чорванасл" масъулияти чекланган жамияти билан ҳамкорликда ташкил қилинадиган савдоларга жамият ҳисобидаги қуйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда: 1-ЛОТ. 1990 йилда и/ч, давлат рақами 80/014 GAA бўлган "ГАЗ-5312" русумли автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси 2 720 000 сўм; 2-ЛОТ. 1989 йилда и/ч, давлат рақами 80/ 143 МАА бўлган "ГАЗ-66" русумли автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси 2 975 000 сўм.

**Закалат пули миқдори бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизи миқдорида белгиланган.**

**Талабгорлар диққатига!**

Аукцион савдоси ғолибига 10 кунлик муддат ичида олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Мулк учун тўловларни тўлаш тартиби ва муддати олди-сотди шартномасида белгиланади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан савдоларда иштирок этиш учун белгиланган шаклдаги буюртманомалар "Аукцион ташкилотчиси" томонидан Бухоро шаҳар, Мустақиллик кўчаси, 10-уй (4-қавати) манзили бўйича аукцион хабарномаси эълон қилинган кундан бошлаб, "Аукцион" савдоси ўтказилиши белгиланган сана кунидан бир кун олдин бўлган муддатга қадар қабул қилинади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлар "Аукцион ташкилотчиси" билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан белгиланган миқдордаги закалат пулларини тўлашлари ҳамда жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, ҳуқуқий шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устави нусхаси ва савдода қатнашувчи ишончли вакил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Закалат тўлови учун реквизитлар: "KO'CHAR MULK SAVDO SERVIS" MChJ Buxoro filiali СТИР: 302523082, МФО: 00115 ОАТБ "Қишлоқ қурилиш банки" Бухоро минтақавий филиалидаги ҳисоб рақами 20208000805028108002.

Буюртманомаларни қабул қилиш ёки аукцион савдоларига чиқарилган мулклар билан танишиш ҳамда Сизларни қизиқтирган барча саволлар бўйича қуйидаги манзилларга мурожаат қилишингиз мумкин.

**"Аукцион ташкилотчиси" — "KO'CHAR MULK SAVDO SERVIS" MChJ Buxoro filiali.**

**Манзили:** Бухоро шаҳар Мустақиллик кўчаси 10-уй. (4-қават).

**Тел:** 8 365 221-59-24.

**E-mail:** kmss.res@mail.ru, гувоҳнома № 006263

**Хизматлар лицензияланган**

## Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси жамоаси Республика Ҳарбий прокуратураси бўлим бошлиғи, адлия полковниги Абдугаффор Абдуллаевга волидаи муҳтарамаси **Хуриниса АЛТИЕВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

*Барчамизга маълумки, республикамиз ҳудудида ҳар йили ноябрь-декабрь ойларида "Ёнғин хавфсизлиги ойлиги" ўтказиб келинади. Ушбу жараёнда қўриқланаётган масканлар ва аҳоли турар жойларида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш борасида олиб борилаётган кенг кўламли профилактик чора-тадбирлар янада кучайтирилади.*

# Кўнгилдагидек ўтиши учун

**Маъруфжон ҲАЙИТОВ,**
Навоий кон-металлургия комбинати ЁХТБ муҳандиси

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 ноябрдаги қарори асосида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг амалдаги буйруқ ва кўрсатмалари ҳамда вазирлик Ёнғин хавфсизлиги Бош бошқармаси томонидан ишлаб чиқилган ташкилий ва амалий тадбирлар режаси дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Ойлик ҳар томонлама пухта ва кўнгилдагидек ўтиши учун Навоий кон-металлургия комбинати Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бошқармасининг куч ва воситаларини марказлаштирилган ҳолда бошқариш, қуйи тизимлардан келиб тушаётган маълумотларни умумлаштириш мақсадида бошқарманинг буйруғи ишлаб чиқилди. Ушбу буйруқ асосида тезкор штаб ва ишчи гуруҳи тузилган.

Ўтказилган текширувлар давомида асосий эътибор қўриқланаётган масканларда мавжуд бўлган ёнғиндан автоматик равишда хабарлов ускуналари, автоматик равишда ёнғин ўчириш қурилмалари, бирламчи ёнғин ўчириш воситалари, содир бўлиши мумкин бўлган ёнғинларни ўчиришга мўлжалланган ички ва ташқи сув тармоқлари ҳамда захира чиқиш йўлакчаларининг созлигига қаратилмоқда.

Бундан ташқари, ойлик давомида соҳа ходимлари томонидан масканнинг ишчи ва хизматчилари ўртасида тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилиб, унда носоз қўлбола электр ускуналари, вақтинча тортилган электр тармоқлари, шунингдек, пиротехника воситаларидан фойдаланмаслик борасида кенг кўламли суҳбатлар ва тушунтириш ишлари олиб борилаётир. Ўтказилган учрашувлар ва суҳбатлар давомида масканнинг ишчи ва хизматчиларига тақиқланган ускуналардан фойдаланиш натижасида юзага келиши мумкин бўлган аянчли оқибатлар хусусида батафсил сўз юритилиб, бундай ҳолатларни ўзида акс эттирувчи видеороликлар намойиш этилди.

Тадбир

# Ҳуқуқий саводхонлик сари

***Мамлакатимиз Конституцияси ва қонунларида ёш авлоднинг ижтимоий шаклланиши ва камол топиши, ҳуқуқий манфаатларини ҳар томонлама кафолатлаш давлатимиз фаолиятининг устувор йўналиши эканлиги белгилаб қўйилган. Шу муносабат билан вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг ҳимоясини таъминлаш, улар ўртасида ҳуқуқбузарлик ҳамда жиноятчиликнинг олдини олиш алоҳида аҳамиятга эга.***

Асосий Қонунимиз қабул қилинганлигининг 21 йиллиги муносабати билан пойтахтимизнинг 270-сонли умумтаълим мактабида "Конституция ва ҳуқуқий саводхонлик" мавзусида тадбир бўлиб ўтди. Унда Бош Қонунимиз ҳақида маърузалар тингланди ҳамда ўқувчилар томонидан бу борада турли саҳна кўринишлари ҳам намойиш этилди.

Тадбир давомида давлатимиз раҳбарининг 2001 йил 4 январда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"ги Фармойиши ёшларнинг бу борадаги билими ва маданиятини юксалтиришда муҳим босқич бўлиб, унга асосан, мамлакатимизда Асосий Қонунимизни ўрганишнинг узлуксиз, изчил ва босқичма-босқич тизими яратилганлиги таъкидлаб ўтилди.

Йиғилишда сўзга чиққанлар, мамлакатимизда болаларнинг таълим-тарбияси, соғлиғини сақлаш, иш билан таъминлаш, бўш вақтларини мазмунли ташкил этишга устувор вазифа сифатида қаралиб, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш учун муҳим меъёрий ҳужжатлар қабул қилинганлигини таъкидлашди. Шунингдек, Ўзбекистон БМТ томонидан қабул қилинган инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи асосий халқаро шартномаларга қўшилиб, халқаро ҳуқуқ нормаларининг миллий қонунчилигимизда ҳам ўз аксини топганлиги ҳамда болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга оид халқаро стандартларни белгилаб берувчи "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисида"ги ҳамда "Болалар меҳнатининг оғир шаклларини тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисида"ги Конвенцияларга қўшилиб, бу ҳужжатлардаги асосий ғоялар миллий қонунларимизга киритилганлиги ҳамда болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишига оид қонун ва қонуности ҳужжатларининг халқаро ҳуқуқ нормаларига тўғри келиши таъминланганлигини алоҳида қайд этишди.

**Ўз мухбиримиз**

Футбол

# ЖЧ-2014: гуруҳдаги рақиблар аниқланди



***Жорий йилнинг 6 декабрь куни келгуси йил Бразилияда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатига қуръа ташланди. Бутун дунё футбол мутахассиси-ю, ишқибозларини ҳаяжонга солган маросим Коста-ду-Сауипе шаҳрида бўлиб ўтди.***

**Мақсудали ҚАМБАРОВ,**
«Huquq»

Мундиалда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритган терма жамоаларнинг мураббийлари, футболчилари, ишқибозлари, умуман, спортнинг бу турига бефарқ бўлмаган барча-барчанинг ҳам орзиқиб, ҳам ҳаяжон билан кутган дамлари энди ортда қолди.

Ушбу қуръа ташлаш маросимини экран орқали кузатиб ўтирган ҳар бир ўзбек футболи мухлисининг кўнглидан "Корейслар ёки эронликларнинг ўрнида бизнинг терма жамоамиз ҳам бўлиши мумкин эди-ку", деган фикр ўтган бўлса, ажаб эмас. Дарҳақиқат, бу сафар Миржалол Қосимов мураббийлигидаги Ўзбекистон миллий терма жамоаси жаҳон чемпионатига тўғридан-тўғри йўлланмани қўлга киритишга жуда яқин турган эди. Аммо бу гал ҳам бундай имконият терма жамоамизга насиб қилмади.

Энди бевосита қуръа жараёнига эътибор берадиган бўлсак, ташкилотчилар бу сафар терма жамоаларни саватчаларга тақсимлашда бироз мураккаб усулни танлашди. Бунда асосий эътибор, бир қитъа вакилларининг иккитаси ҳамда Европа қитъаси жамоаларининг учтаси бир гуруҳга тушиб қолмаслигининг олдини олишга қаратилди.

Бизнинг эътиборимизни аввало қитъадошларимизнинг қайси гуруҳга тушиши ва қандай рақиблар билан рўбарў келиши тортди. Қуръа натижаларига кўра, Австралия Испания, Голландия ва Чили, Эрон Аргентина, Босния ва Герцеговина ҳамда Нигерия, Япония Колумбия, Греция, Кот-д'Ивуар ҳамда Жанубий Корея Бельгия, Жазоир ва Россия каби жамоалар билан бир гуруҳга тушди. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, Австралия ва Эрон терма жамоаларининг гуруҳ баҳсларидан ўтиши амри маҳол. Аксинча, Япония ва Жанубий Корея терма жамоаларининг гуруҳдаги ҳолати бирмунча яхши. Ҳар ҳолда уларнинг гуруҳидаги рақиблар билан тенгма-тенг курашишига умид қилса бўлади.

Футболда биринчи ва иккинчи ўрин учун курашишга лаёқати бир хил бўлган жамоаларнинг камида 3 тасининг бир гуруҳдан жой олиши "ўлим гуруҳи", дея таърифланади. Табиийки, кўпчилик бу галги жаҳон чемпионатида ана шундай мақомга қайси гуруҳ сазовор бўлишини кутди. Қуръа натижаларидан келиб чиқиб айтиш керакки, Англия, Уругвай, Италия ва Коста-Рика терма жамоалари жамланган "D" гуруҳи ҳамда Германия, Португалия, Гана ва АҚШ терма жамоалари тўпланган "G" гуруҳларида жиддий қарама-қаршиликларга гувоҳ бўлишимиз мумкин. Умуман олганда, жаҳон чемпионатида зерикарли ўйиннинг ўзи бўлмайди. Тўрт йилликнинг нуфузли мусобақасида иштирок этиш имкониятини қўлга киритган ҳар бир терма жамоа мундиалда муносиб қатнашиш учун ҳаракат қилиши тайин. Шундай экан, мундиалнинг бошланишини орзиқиб кутамиз.



| "A" гуруҳи | "B" гуруҳи | "C" гуруҳи | "D" гуруҳи |
|---|---|---|---|
| Бразилия | Испания | Колумбия | Уругвай |
| Хорватия | Голландия | Греция | Коста-Рика |
| Мексика | Чили | Кот-д'Ивуар | Англия |
| Камерун | Австралия | Япония | Италия |

| "E" гуруҳи | "F" гуруҳи | "G" гуруҳи | "H" гуруҳи |
|---|---|---|---|
| Швейцария | Аргентина | Германия | Бельгия |
| Эквадор | Босния ва Герцеговина | Португалия | Жазоир |
| Франция | Эрон | Гана | Россия |
| Гондурас | Нигерия | АҚШ | Жанубий Корея |

Huquq
yuridik gazeta
Muassis:
O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir:
Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay`ati:
Hakimboy HALIMOV
Abbosxon SANGINOV
Muxtor ZOIROV
Gulnoza RAHIMOVA
Baxtiyor NAZAROV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Kamoliddin ASQAROV (mas'ul kotib)

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-40,
Faks: 233-10-53, 233-64-85
E-mail: huquq@huquq-gazeta.uz
Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi. Sotuvda kelishilgan narxda

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va egalariga qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.
«HUQUQ» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Т — tijorat materiali.
Reklama materiallarining mazmuni uchun tahririyat javobgar emas.

Nashr ko'rsatkichi 231

Buyurtma j-8717. 46 023 nusxada bosildi.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Navbatchi muharrir: M.DUSIYAROVA
Musahhih: M.QAMBAROV
Navbatchi: O`.DEHQONOV
Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta «O`zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi.
Korxona manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Gazeta O`zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro`yxatga olingan.
ISSN 2010-7617
9 772010 761004